

МУНДАРИЖА

Кириш (Мавзунинг долзарблиги) 3

I-БОБ. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА МАХСУС ФАНЛАРДАН

ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Махсус фанлардан ўқув адабиётларнинг янги

авлодини яратиш муаммолари ва уларни ҳал

қилиш йўллари 10

1.1. Дарсликнинг ўқув жараёнида ва педагогик

технологиялар тизимидаги ўрнини аниқлаш 23

II-БОБ. МАХСУС ФАНЛАР БЎЙИЧА МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Модулли технология асосида махсус фанлардан ўқув

адабиётларини яратиш имкониятлари 33

2.2. Махсус фанлардан модулли технология асосида ўқув

адабиётларини ишлаб чиқиш босқичлари 45

2.3. «Тикув ва трикотаж жиҳозларини ўрнатиш, йиғиш ва

таъмирлаш асослари» фани бўйича намунавий модуль 50

III-БОБ. ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ЖИХОЗЛАРИ» ФАНИДАН НАМУНАВИЙ МОДУЛЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ПЕДАГОГИК САМАРАДОРЛИГИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

3.1. Намунавий модулларнинг педагогик самарадорлигини

аниқлаш бўйича тажриба синовларини ташкил этиш ва ўтказиш 73

3.2. Тажриба-синов ишларининг бориши ва олинган

натижалар таҳлили. 76

Адабиётлар 82

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда маънавиятни юксалтириш, миллий таълим тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига чиқариш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган назарий-амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий кадриятимизга ҳурмат эътибор, мустақил ватанимизга меҳр муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўйди [1].

Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади» [2].

Тарихимизга назар солсак, буюк алломаларимизнинг асарларида ва бошқа манбаларда касб – ҳунарлар хусусиятлари, уларни ўрганиш, ўргатиш усуллари ҳамда афзаллиги касб-ҳунар эгаларининг маҳоратлари келтирилган. Касб-ҳунарларни ўрганиш муаммолари билан турли даврларда кўпгина олимлар, давлат арбоблари шуғулланганлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунлари қабул қилиниши касб-ҳунар таълими тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, юксак меҳнат интизومي ва маданиятини шакллантириш вазифасини қўяди [3, 6].

Бу вазифаларни бажариш касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, юксак малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир.

Касб-хунар таълими олдида турган долзарб вазифалардан бири замонавий педагогик технологиялар ва ютуқлардан кенг фойдаланиш, уларни таълим тизимида жорий қилиб бориш, ҳамда ривожланган мамлакатларнинг касбий таълим тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимига тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар шуни кўрсатдики, касб-хунар коллежларида малакали кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жihatдан махсус фанларни самарали ўқитиш белгилайди. Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари махсус фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ҳамда ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатди. Махсус фанларни ўқитиш услубларини танлашда ўқув мақсадларини белгилаш ўзига хосликни талаб этади. Ўқувчиларни касб-хунарга ўргатишда махсус фанлар бутунлигича шу касб хусусиятига мос бўлиши билан бирга ўқув материали мазмунида муайян касб бўйича махсус фанга тегишли фаолият турлари тўлиқ ёритилиши зарур. Касб-хунар таълимида махсус фаннинг етакчи компоненти бўлиб «Фаолият турлари» ҳисобланишига ишонч ҳосил қилинди. Шунинг учун ҳам махсус фанлардан ўқув адабиётларни яратиш ва шу билан боғлиқ бўлган таълим мазмунини белгилашда, ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитишнинг самарали усуллари танлашда чуқур дидактик таҳлил ўтказиш лозим.

I – БОБ
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА
МАХСУС ФАНЛАРДАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИНИ
ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Махсус фанлардан ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш
муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.

Ўқув адабиётлари, фақат таълимий, илмий-техникавий ва ижтимоий – сиёсий билимлар манбаигина бўлиб қолмай, у ёшларни маънавий, руҳий-эстетик, ижтимоий-иқтисодий, ватанпарварлик, иқтисодий–сиёсий, инсоний ва бошқа жиҳатларини тарбиялашнинг қудратли омилидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида жорий этилган янги давлат таълим стандартлари асосида «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси» ишлаб чиқилди. Ушбу концепциянинг асосий вазифаларига ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш учун илмий-ғоявий, услубий-дидактик, психологик-педагогик, санитария-гигиеник талабларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш, ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун стратегик масалалар кўламини аниқлаш киради [7] .

Ҳозирги даврда касбий педагогика назарияси ва амалиётининг ривожланиш босқичида, ҳамда замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилишида ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Биз томондан узлуксиз таълим тизимида қўлланиладиган ўқув адабиётларининг турлари ичида асосий ҳисобланган, ҳамда ўқитиш

технологиясининг етакчи элементи бўлган махсус фанлар бўйича дарсликнинг янги авлодини яратиш муаммоларига қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Касб-хунар таълими учун махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлар янги авлодини яратиш муаммоларига тўхталишдан олдин, «дарслик» тўғрисидаги баъзи тушунчалар ҳақида фикр юритдик. Таълимда дарслик ўқув адабиётларнинг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади.

«Дарслик» тушунчаси тўғрисида турли аниқланмалар мавжуд бўлиб, дарсликни оддий ҳолда ўқувчиларни фаннинг асослари билан таништирувчи китоб деб ҳам юритилади.

Дарслик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар илмий ишларида дарслик турлича таърифланган: «Дарслик ўқув материални ва у билан ишлаш методикасини тавсия этади, ҳамда ўқитувчига ўқув материални ўқитиш ва ўргатиш, ўқувчига эса ўрганиш ва ўзлаштириш усулларини тақдим этади. Бошқача қилиб айтганда, дарсликда таълим мақсадлари мазмун ва методлар кўринишида мужассамлаштирилади» [40,48].

Ҳақиқатдан ҳам, дарсга қўйиладиган кўплаб таълим талабларини бажариш ва ўқув материални мустаҳкамлашда ўқитувчи учун дарслик энг яхши ёрдамчи восита ҳисобланади. Сифатли дарсликнинг ҳар бир мавзуси ўзига хос яхлит ва тўлиқ ўқув материални ўзида қамраб олади [14].

В.П.Беспальконинг таъкидлашича: «Дарслик – ахборотли модел бўлиб, унда педагогик тизимнинг қуйидаги тўртта элементи; яъни ўқитиш мақсадлари, ўқитиш мазмуни, дидактик жараёнларни танлаш ва ишлаб чиқиш, ўқитиш шакллари ташкил қилиш каби жиҳатлар ўз аксини топади. Бунда дарслик ўқувчининг имкониятини инобатга олувчи ўқитиш воситаларидан бири ҳисобланади»[17].

Шунингдек, « Дарслик – бу ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, фаннинг илмий асосларини ўргатиш воситасидир. Дарсликда қайсидир даражада ўқув предметини ўқитиш методикаси ёритилади» ёки «Дарсликни

яратиш— бу ўқув тарбия жараёнини лойиҳалаштиришдир» деб ҳисоблайдилар [82,73].

В.В. Краевский ва И.Я.Лернерлар илмий адабиётларида «Дарслик бутун ўқув жараёнини ташкил қилиш учун хизмат қилади», ёки «Дарсликда нафақат ўқувчининг фаолияти, балки ўқитувчининг фаолияти ҳам дастурлаштирилган» [38,44] деган фикрлар келтирилган.

Илмий тадқиқотларда дарсликнинг умумий тушунчаси қуйидагича баён қилинади: дарслик педагогик тизимнинг ахборотли модели бўлиб, унда ўқув жараёнининг ўқувчилар бажариши мумкин бўлган босқичлари ёритилади. Ўқувчилар дарсликдаги матнни ўқиб, унинг таркибидаги машқлар ёки топшириқларни ҳаракатлар кўринишида бажарадилар, текширадилар, ечадилар, жавоб берадилар ва ҳоказо. Бу ҳаракатлар дарслик матнларида очик ёки яширин шаклда берилиши мумкин. Бу демак, дарсликда маълум педагогик жараён у ёки бу ҳолатда баён этилишдан далолат беради. Педагогик жараён – бу муаллиф томонидан дарсликда маълум даражада акс эттирилган моддий мавжудлик ва янгиликдир» [19,68].

Дарслик – бу моддий объект бўлиб, у маълум бир аниқ тизимли кўринишдаги маълумотларни ўзида қамраб олади. Буларга илмий билимлар, ўқитиш мақсадлари, вазифалари ва мазмунларига мувофиқ фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар, таълим берувчи ва таълим олувчи ўзаро таъсирини моделлаштирувчи материаллар киради [76].

«Дарслик ўқув жараёнининг ўзаги ва ўқув предметининг модели ҳисобланади. Ундаги ёритилган билим, кўникма, малака ва фаолият усуллари давлат таълим стандартида белгиланган минимумдир. Ушбу минимум даражасидаги кичик мутахассислар тайёргарлиги эса таълимнинг баҳоси ҳисобланади [12].

Дарслик ўқувчиларнинг давлат стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билимларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришлари учун мўлжалланган асосий ўқув китоби ҳисобланади. Тўлақонли яратилган дарслик ахборот моделининг мажмуидан иборат бўлиб, бу модель педагогик

тизимнинг ўқитувчи-дарслик-ўқув жараёни-ўқувчидан иборат тўрт муҳим таркибий қисмини акс эттиради ва уларни амалиётга тадбиқ этишга имкон беради. Бунда дарслик ўқитишнинг техник воситаси сифатида ўқувчининг, яъни ўз истеъмолчисининг имкониятларини ҳисобга олиши зарур бўлади [69].

Худди шунга ўхшаш дарсликлар вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар тўғрисида бир катор [49,74,76,77,78] илмий адабиётлар ва мақолаларда фикрлар юритилган.

Бизнинг фикримизча дарслик – бу ўқувчида муайян ўқув фанининг аниқ мазмунига эга бўлиб қолмай, балки ундан билим олишни ўрганиш, ўрганилган билимларни умумийлаштиришни ва эга бўлган билимларни қанча тўғри эканлигини таққослашни ва амалий кўникмаларда қўллашни ўргатади. Дарсликни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиги воситаси бирлиги сифатида тасаввур қилиш керак. Дарслик ўқитиш воситаси мажмуасининг ядроси ҳисобланади, қайсики уни атрофида қолган ўқув воситалари гуруҳлаштирилади.

«Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси» га мувофиқ «Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган, ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр» деб таърифланади [7].

Ушбу концепцияга мувофиқ олдинги таълим тизимидан фарқли равишда ҳозирги пайтда яратиладиган ўқув адабиётларининг янги авлоди шахсни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Биринчидан, касб-ҳунар таълимига янги Давлат таълим стандартининг жорий этилиши жараёнида ўқувчининг шахси марказий фигура ҳисобланади. Иккинчидан, фан-техника ва технологияларнинг тараққий этиши эса ўзгарувчан таълим мазмунига ўтишни талаб қилади, уни танлаш эса ўқув услубий таъминотини ишлаб

чиқиш стратегияси билан аниқланади. Учинчидан, табақалаштирилган ўқитишга ўтиш эса касбий фаолиятга йўналтирилган дарсликларни яратишни талаб этади. Ушбу асосий факторлар касб-хунар таълими учун дарсликлар янги авлодини яратиш вазифасини қўяди.

Доимий ва тез ўзгариб боровчи технологиялар ва билимларнинг янгиланиши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ва янги билимларга интилишни талаб этади. Бунинг учун ўқувчиларни янги билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиш керак.

Ш.Қурбоновнинг фикрича, ҳозирги пайтдаги ўқитишни ташкил этиш шакли мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантирмайди. Бу ҳол эса таълим оловчиларнинг шахсини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиб, уларда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш хоҳишини камайтиради [39] .

Мустақил ва мунтазам таълим олиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим концепциясининг ўзгариш босқичида «бутун ҳаёти учун билим олишдан–бутун ҳаёти давомида билим олиш» талабини қўяди.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича бутун ҳаёти давомида таълим олиш-бу бошланғич, умумий ўрта, касб – хунар ва олий таълим йиғиндиси эмас, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишни шакллантиришни кўзда тутди. Улар таълим олиш бутун ҳаёти давомида узлуксиз жараён бўлиши кераклигини таъкидлайдилар [84,85,86,87,89].

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда касб-хунар коллежларининг асосий вазифаси ўқувчиларга билим ва маълумот бериш билан чекланмасдан, балки ўқувчиларни мустақил ва мунтазам ўқишга, изланишга, касбий ва ҳаётий муаммоларни ечишга ўргатишдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда касб-хунар таълимига катта эътибор қаратилаёпти. Касб-хунар таълими муассасалари олдида таълим бериш шароитларини яратиш ва такомиллаштириб бориш, ҳамда ўқувчиларнинг

кизиқишларига ва эҳтиёжига қараб касб-хунарга тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича, бугунги кунда ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, индивидуал ва гуруҳий ишлари, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва коллеждан ташқари таълим олиш имкониятларини ҳам яратиш касб-хунар таълими муассасаларининг асосий вазифаси бўлиши керак [13,21,26,36,88] .

Касб-хунар коллежлари кичик мутахассисларни бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олиб тайёрлашни, ўқувчиларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни, мустақил равишда амалий фаолиятга ўргатишни таъминлаши керак.

Француз олими К. Аллегр таъкидлаганидек, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, уларнинг индивидуал ва гуруҳий ишларини, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳам касб-хунар ўқув юртларининг асосий вазифасидир [90] .

Шундай қилиб, касб-хунар таълимининг вазифалари ва мақсадларининг ўзгариши, ҳамда кенгайиб бориши-таълим мазмунини, коллеж структурасини ва ўқитиш тизимини такомиллаштиришга олиб келди.

Шунинг учун ҳам дарсликлар янги авлодини яратиш муаммоларини кўтара туриб, биз замонавий таълимнинг вазифаси ва мақсади, ўрни ва ролини яққол тасаввур қила олишимиз керак. Замонавий таълимнинг ривожланиш босқичида дарсликлар янги авлодини яратиш бўйича педагогик ўзгаришларни ўрнатишни талаб этади ва ушбу ўзгаришлар орқали ўқув адабиётларини таҳлил қилиш критериялари ва шакллари аниқланади.

Шу нуқтаи назардан касб-хунар коллежларида махсус фанлар бўйича фойдаланилаётган дарсликларнинг маълум қисми амалий жиҳатдан давр талабига жавоб бермай қолди, яъни «дарсликларнинг дидактик тузилишида шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълимга ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар инобатга олинмаган». Аксарият ҳолларда махсус фан дарсликларини ёзишда муаллифлар эски тушунчалар ва қарашларга

таянадилар. Олдинги таълим жараёнига қўйиладиган талабларда дарсликнинг ушбу шакли ўзини оқлаган. Масалан, «ўқитувчи тушунтирди – ўқувчи эшитди, ўқитувчи намойиш қилди – ўқувчи бажарди; Ўқитувчи савол ёки топшириқ берди – ўқувчи жавоб берди ёки топшириқни бажарди». Аммо бугунги кунда билимнинг бундай узатилиш шакли талабга жавоб бермай колди, чунки нафақат касб-хунар таълими мазмуни ўзгаришида қўйиладиган талаблар ўзгарди, балки коллежда билим, кўникма ва малакага эга бўлиши керак бўлган ўқувчилар, ҳамда ўқитувчининг ўқув жараёнидаги фаолиятига қўйиладиган талаблар ҳам ўзгарди.

Агар биз, олдинги таълим дарслиги вазифасини (1.1-жадвалнинг чап томони) ҳозирги дарслик вазифаси билан солиштириб (1.1-жадвалнинг ўнг томони) таҳлил қиладиган бўлсак, бунда ўқитувчи ўқув жараёнида марказий фигура эмас, балки йўналтирувчи ва маслаҳатчи сифатида қатнашади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, иккала ҳолатда ҳам дарслик ўқитиш марказидадир, бошқача айтганда дарслик ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ўқитиш воситасидир. Яхши таркиблаштирилган, мазмунли, ривожлантирувчи ва замонавий педагогик технологияларни ўзида қамраб олган дарслик билим беришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўқитувчи таълим жараёнида ўқув мақсадлари ва аҳамиятини тушунтира олиши, ўқувчиларни касбга қизиқтириш ва йўналтириш, мустақил таълим олишларини ташкил этиш, ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш билан бир қаторда билимлар манбаини ҳам баҳолаб бориши, яъни доимий изланиш олиб боришни талаб этади.

Дарслик вазифаларининг таҳлили

Ўқитувчи-ўқув жараёнининг Марказида	Ўқувчи-ўқув жараёнининг Марказида
Ўқитувчи-дарслик-ўқувчи - ахборот олиш - хотирада сақлаш - дарсликдан ўқиш ва кўчириш - дарсликни ўқиб саволларга жавоб бериш	Ўқувчи-дарслик-ўқитувчи - фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олиш - таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш - мазмунни тушуниш ва амалий фаолиятга боғлаш - амалий машқлар ва тажрибалар ўтказиб бориш - мустақил қарор қабул қилиш - янгиликлар топиш (изланиш)

Ҳозирги пайтда махсус фанлар дарсликларининг талабга жавоб бермаслигининг яна бир асосий сабаби шундаки, уларнинг тузилиши касбий педагогика талабларига, ўқувчиларнинг дарслик билан мустақил ишлашига, уларнинг билим ва кўникмаларини объектив баҳолашга мос келмайди. Бундан ташқари касб-хунар таълимига хос бўлган педагогик ва психологик талаблар етарлича эътиборга олинмаган. Баъзи махсус фанлар дарсликларига техникалар тузилишлари, технологик жараёнлар ёки фаолият усуллариининг ёритилишида битта тушунча, таърифнинг турлича талқин қилиниши, атама ва белгиларни ишлатилишида бир хиллик йўқлиги, янги атама киритилганда унинг мазмуни тўлиқ ёритилмаганлиги каби камчиликлар учрайди. Дарсликнинг айрим қисмлари ҳажмининг ўқувчи мустақил ишлаши учун ажратилган вақт меъёрига мос келмайди.

Ҳозирги пайтда махсус фанлар бўйича дарсликлар янги авлодини яратиш ва баҳолашнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқиш касб-хунар таълимини ислоҳ қилишдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ачинарли ҳол шундаки, касб-хунар таълими учун махсус фанлар бўйича дарсликларни яратиш ва тадқиқотлар ўтказиш муаммоларига қаратилган илмий изланишлар жуда камдир.

Қуйидаги саволларга аниқ ва кенг маънода жавоблар йўқ: «Замонавий дарслик қандай бўлиши керак?», «Қандай талабларга жавоб бериши керак?», «Дарсликнинг ўқув жараёнидаги роли қандай бўлиши керак?», «Дарсликлар янги авлодини сифатини баҳолаш мониторинг тизими қандай бўлиши керак?», «Дарслик сифати қайси мезонлар асосида аниқланиши керак?».

Бугунги кунда ўқитувчининг ўқув жараёнидаги роли ўзгариб бормоқда: у ўқувчилар учун билим беришнинг асосий воситаси функциясини бажариши ва таълим жараёнидаги фаоллиги пасайиб бормоқда, у фақат ўқув жараёнини ташкил этишда ва ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун ёрдам берувчи маслаҳатчи сифатида қатнашиши давр талаби бўлиб қолди.

Замонавий дарслик ўзида «ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш дастурини ва ўз-ўзини билимини текшириш тизимини» қамраб олиши керак [23,42] .

Замонавий таълим шароитида дарслик – ўқитиш жараёнини йўналтирувчи ва мустақил таълим олишга имконият яратувчи восита бўлиши керак.

Ф.М. Жерар ва К. Рожьелар « дарслик ўқувчиларда мустақил ишлаш малакаларини ривожлантириши, турли ўрганиш методикаларини тавсия этиши, олган билимларини амалиётга қўллашни тақдим этиши керак» деб ҳисоблайдилар [80].

Бугунги кунда шахс – тушунтирувлар ва намоишлар ёрдамида эмас, балки мустақил фаолият ва амалий таъсирлар жараёнида шаклланади.

Бизнинг фикримизча, дарсликлар янги авлоди билимларни ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли материални мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатишга ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Албатта, дарсликларнинг янги авлоди ўқув материални ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олинишига самарали хизмат қилиши лозим. Шу муносабат билан унда ўқув materiali билимларни ўзлаштиришнинг педагогик ва психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда баён қилиниши керак. Бундай педагогик воситаларни яхши эгаллаган муаллифлар, дарсликда ўқувчи мушоҳадасини турли усуллар билан рағбатлантирилиши ва ташкил қилиниши, ўзлаштирилган материални ўқувчининг ўзи томонидан назоратини амалга оширишига, унинг эътиборини муайян фаннинг муаммолари ва долзарб масалаларига йўналтиришлари лозим.

Касб-ҳунар таълими учун махсус фанлар дарсликлари кичик мутахассислар тайёрлашда асосий ўқитиш манбаи ҳисобланади. Махсус фанлар ишлаб чиқариш таълими асоси бўлганлиги учун, кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнига катта таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, касб-ҳунар таълимида махсус фанлар дарсликлари ўқувчиларда шахсий ва касбий фаолиятлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши, мазмунида «Фаолият усуллари»нинг тўлиқ ёритилиши, мустақил таълим омилининг турли самарали методларини тавсия этиши, олинган билимларни амалиётда қўллашни ва фанлараро интеграцияни таъминлаши керак [53].

Касб-ҳунар таълимида кичик мутахассис тайёрлаш масаласини ечаётганда, билимлар узатилмаслигини, балки у ўқувчига таклиф қилиниши, билимни ўзлаштириш эса, ўқитувчи ёрдамида мустақил амалга оширилишини назарда тутиш лозим. Маълумки, ўқувчида

мустақил ижодий фикрлаш қобилияти айнан ўқув қийинчиликларини енгиш жараёнида шаклланади.

Шу сабабли ҳам, баъзи бир муаллифларнинг тушунарлилик омилига ортиқ даражада урғу бериб, материал баёнини илмий мазмунини саёзлатиш ва унга путур етказиш ҳисобига енгиллатиш йўлини тутишлари ўқувчининг китоб устида мустақил ишини рағбатлантирмайди, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожланишига олиб келмайди. Шу сабабли, дарсликка ўқувчиларда муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи масалалар ва топшириқларни киритиш орқали уларда зарурий билимни излаш ва топиш эҳтиёжи уйғотилиши лозим. Бугун ўқитувчи ёрдамида ва қўшимча илмий-услубий манбалар асосида ўзлаштирилган билим ўқувчиларнинг эртага ўқув муаммоларини тўлиқ, мустақил ишларига замин ясайди.

Биз томондан касб-хунар таълими бўйича ўтказилган семинарларда, малака ошириш курсларида, касб-хунар коллежларидаги махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталаридан сўровнома олиб борилди. Сўровномада касб-хунар коллежларидан махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталари иштирок этишди. Сўровномада махсус фан дарсликлари янги авлодини қандай тушунасиш?, у қайси сифатларга эга бўлиши керак? деган саволлар, ва ҳозирги пайтда касб-хунар коллежларида қўлланилаётган махсус фан дарсликларининг таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мослиги; фаолият усулларининг ёритилиши; назарий мазмуннинг амалий фаолият билан боғлиқлиги; матннинг ўқилиши ва тушунарлилиги; замонавий техника ва технологиялардан фойдаланилганлик даражаси; саволлар, тестлар машқлар ва топшириқлар берилиши; тасвирий материаллар ва уларнинг сифати; миллий хусусиятлар эътиборга оlinиши каби жиҳатлари киритилди. Биз томондан 74 нафар ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан ўтказилган сўровнома натижасида, касб-хунар коллежларида фойдаланилаётган махсус дарсликлар тўғрисида қуйидаги муҳим маълумотлар оlinди. Сўров ўтказилганда 65% махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари махсус фан дарсликлари

мазмунни жиҳатидан давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига тўлиқ мос келишини, 30% қисман ва 5% эса умуман мос келмаслигини; 38% катнашчилар дарсликда «Фаолият усуллари»ни тўлиқ, 58% эса қисман ёритилганлигини; 48% катнашчилар дарсликларда назарий мазмун билан амалий фаолият ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги, 52% эса қисман боғлиқлик борлиги; 61% катнашчилар дарсликларда замонавий техника ва технологиялар ютуқларидан фойдаланилганлиги, 23% қисман ва 16% умуман фойдаланилмаганлигини; 27% катнашчилар дарсликларда миллий хусусиятлар эътиборга олинганлиги, 42% қисман ва 30% эса умуман эътиборга олинмаганлигини, 30% катнашчилар дарсликларда тавсиялар, хулосалар тестлар, топшириқлар, амалий машқлар берилганлигини, 42% қисман ва 28% умуман берилмаганлиги ҳақида фикр билдирдилар. Катнашчилардан 72% махсус фан дарсликлари янги авлоди тўғрисида фикр билдира олмадилар, 18% эса дарсликлар янги авлодини электрон ўқув адабиётлари, 10% эса дарсликлар янги авлодини касбий йўналишга боғлиқ янги техника ва технологиялар ва фан ютуқларидан фойдаланиб яратилган дарсликлар деб биладилар. Сўровномалар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда касб-ҳунар коллежларида фойдаланилаётган дарсликларнинг аксариятида махсус фанга тегишли «Фаолият усуллари» тўлиқ ёритилмаган, ўқувчиларнинг керакли материални мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашга ўргатишга ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган материаллар билан таъминланмаган. Махсус фан ўқитувчилари билан суҳбат ўтказилиши натижасида махсус фан дарсликларининг сифати, ўқув жараёнида, ҳамда касбни шакллантиришда қўлланилиши тўғрисида кўплаб фикр ва мулоҳазалар олинди.

Бундан ташқари шу кунгача касб-ҳунар таълими учун махсус фанлардан, масалан маиший хизмат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш сингари соҳаларда ўқув адабиётларига муҳтожлик сезилганлиги ҳам таъкидланган [31].

Касб-хунар таълимидаги махсус фанлар дарсликлари ўқув материали бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, олий ўқув юртлири учун ўқув адабиётларини ёзиш бўйича яхши тажрибага эга бўлган баъзи муаллифлар, касб-хунар коллежлари учун дарсликларни ёзишда кичик мутахассисларни тайёрлаш спецификациясини эътиборга олишмаган. Ушбу муаллифлар дарсликлари илмий жиҳатдан мураккаб бўлиб, ҳажмини Давлат таълим стандартида кўрсатилган меъёрдан оширганлар. Баъзи муаллифлар дарсликлари эса мазмуни ва тузилиши жиҳатидан ўрта мактаб «Меҳнат» фани дарслигига ўхшаб қолган.

Шу нуқтаи назардан, биз муаллифларга қуйидагиларга эътиборларини қаратишларини тавсия этдик: ўқув материали мазмунини ишлаб чиқишда ва ёритишда «дарсликлар янги авлоди»га қўйиладиган дидактик талабларга асосланиш керак, ҳамда ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида жуда муҳим бўлган ўқувчиларнинг интеллектуал сифатларини эътиборга олиш лозим.

Яхши ёзилган дарслик ўқув жараёнидаги кўп муаммо ва қийинчиликлардан халос этади, ўқитиш самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг билимларини тизимлаштиришни таъминлайди, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, ҳамда касб қизиқишини кучайтиради.

Дарсликлар муаллифлари рўёбга чиқариши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири – баён қилинувчи масалаларни мамлакатнинг ечилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан боғлаш, илғор фан, техника ва технологияларнинг халқ хўжалигини тезкор ривожлантиришдаги прогрессив ролини очиқ беришдир.

Демак, махсус фанлар дарсликлари таҳлили ва ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қуйидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда: -касб-хунар таълими бўйича ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва у билан боғлиқ бўлган изланишлар ўтказиш объектив ҳолда давр талаби ҳисобланади;

- дарсликлар янги авлодининг ўқув жараёнидаги ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни, роли ва функциясини аниқлаш;
- махсус фан дарслиги тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;
- «Фаолият усуллари» нинг ёритилишида назарий ва амалий мазмуннинг тенг ва ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлашга эришиш;
- дарсликларни таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;
- дарсликнинг ўқув-тарбия жараёнидаги таъсирини ўрганиш.

Ушбу муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, натижаларини умумлаштириш, дарсликлар янги авлодини яратиш муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва дарслик назарияси кўпгина масалаларини тартиблаштириш имкониятини беради.

1.2. Дарсликнинг ўқув жараёнида ва педагогик технологиялар тизимидаги ўрнини аниқлаш

Ҳозирги пайтда янги авлод дарсликларини замонавий педагогик технологиялар асосида яратиш ва жорий этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишга ва ривожлантирувчи ғояларга йўналтирилган дарсликларнинг янги авлодини яратиш, ўқитиш жараёнида бошқача ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчига ва фанга нисбатан ўзининг муносабатини ўзгартиришга тўғри келади. Дарсликларнинг ривожлантирувчи функциясини бажаришлари учун ўқитувчида яхши методик тайёргарлик бўлиши лозим.

Биз махсус фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратиш муаммоларини ўрганишда хорижий давлатларнинг қуйидаги тажрибаларини ҳам ўргандик; мазмуннинг муаммоли қўйилиш методларини дидактик асосланиши, таркибий компонентларнинг ўзаро боғланиши, дарсликларнинг тарбияловчи,

ривожлантирувчи ва бошқа функциялари, уларга қўйиладиган умумий талаблар, ўқув жараёнидаги тутган ўрни ва роли.

Махсус фанлар дарсликлари бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, бугунги кунда дарсликка психологик-педагогик жиҳатдан ёндашув етарли даражада асосланмаганлиги, ўқув материалини танлаш мезонларининг йўқлиги ёки тўлақонли ишланмаганлиги, унинг ўқувчиларни психологик ривожланишига эмоционал ва мантикий таъсирини жорий этиш йўллариининг жуда заиф ишлаб чиқилганлиги муаммо сифатида қаралмоқда. Бундан ташқари табақалаштирилган ҳолда ўқитиш учун мўлжалланган дарсликларни яратишнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқиш бўйича етарлича илмий тадқиқот ишлар олиб борилмаган.

Таълим мазмуни интеграциясини таъминловчи, фанлараро алоқадорлик ва яхлитликни ҳисобга олган ҳолда дарсликларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарсликлар янги авлодининг яратилиши ва ўқув жараёнига жорий этилиши – ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини уйғунлаштирувчи модели сифатида намоён бўлиши лозим. Аммо кўпчилик янги дарсликларни яратаётган муаллифлар бу масалага эмперик тарзда ёндашяптилар. Шунинг учун ҳам ўқитиш технологиялари талабларга мос равишда махсус фанлардан дарсликларни яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ўқитиш методикасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дарсликлар янги авлодини ўқитиш жараёнидаги роли қандай бўлиши керак? Бугунги талабларга жавоб берадими? Ўқувчилар мустақил ўрганиш, ўқув, меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга реал восита бўла оладими? каби саволлар ўз жавобини кутмоқда.

Бизнинг фикримизча, таълим жараёнида энциклопедик билимлар бериш ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Инсонлар фаолияти принципиал тарзда ўзгарди, улар технологияларни бошқаришларига, умумий мақсадларига эришиши учун тайёр бўлишларига тўғри келаяпти.

Замонавий киши ўз кучини янги билимлар, кўникмалар ва малакалар олишга эмас, балки тез эскирадиган ва нофункционал билимлардан халос бўлишга йўналтиришга мажбур бўлаяпти.

Аммо, ушбу фикр қанчалик парадоксал бўлмасин, реал таълим шароитида ўқув мақсадларига йўналтирилган ва лойиҳалаштирилган ўқув жараёнини ташкил этиш керакки, унда ўқитувчи ва ўқувчилар давр ўзгаришини тушуниб етишлари ва бунга тайёр бўлишлари керак.

Ҳозирги пайтда Республикамиз касб-хунар таълимида кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича педагогик изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишларнинг аксарияти ўқитиш мақсади ва унинг натижаларига эришишга, таълимни технологиялаштириш орқали сифатли ўқитишни ташкил этишга йўналтирилган бўлиб, тадқиқотчиларнинг диққат эътиборида турибди. Ўтган асрнинг 70 йилларида педагогикада юзага келган «ўқув жараёнини тўлиқ бошқариш ғояси-педагогик амалиётда аниқ мақсадлар ва натижаларга йўналтирилган ўқув жараёнини бошқариш орқали дидактик муаммоларни ечиш мумкинлигини кўрсатди [61].

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини, таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларига эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқаришга йўналтирилган ғояси ташкил этади.

Бундай ёндашишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан-уни, аниқ расмийлаштирилган ва қисмлари бўйича аниқ элементларга ажратиш ёрдамида максимал шакллантиришдан иборат.

Педагогик технология, бизнингча ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория ҳисобланади. Технологиялар барча, синоним сифатида-таълим технологияси, ўқитиш технологияси каби тушунчалар сифатида ҳам ишлатилади.

Ўқитиш технологияси – биринчидан, педагогик технология сифатида жараёнли-ҳаракат аспектини англатади. Бу, таълим жараёнини ўзгарувчан

шароитларда, белгиланган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларга кафолатли эришишга ва ҳақиқий таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи усул ва воситаларнинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирадиган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни бўлса, иккинчидан, у мақсадни амалга оширишда ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик, ҳамда ўқув фаолият лойиҳасини бажариш баёни ҳисобланади. Ана шу тушунчалардан ва касб-ҳунар таълими характеридан келиб чиқиб, касб-таълим технологиясига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Касб-ҳунар таълими технологияси - бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини яратиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли усули бўлиб, у ўқув мақсадига эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот ўтказиш, тадқиқотлар натижасига, ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

Ҳозирги вақтда, педагогик технологияга оддийгина «ўқитишнинг техник воситаларидан ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги жараёнлар сифатида қаралмайди, балки ўқитиш самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш ва қўллаш йўли билан, ҳамда қўлланилаётган усулларни баҳолаш воситасида таълим жараёнини такомиллаштириш тамойилларини аниқлаш воситаси кўринишида ўрганилади.

Баъзи тадқиқотчилар ўқув жараёнини технологиялаштириш орқали сифатли ва ҳақиқий таълим беришга эришиш мумкинлигини ва ҳар қандай технологиянинг етакчи звеноси охирги натижага эришиш деб ҳисоблайдилар [25,52].

Масалан, В.П.Беспалько педагогик технологияни “ўқув жараёнини жорий қилиш техникаси» ёки «амалиётда жорий қилинадиган педагогик тизимнинг лойиҳаси» деб таърифлайди. [18,19].

Б.Зиёмухаммедов мажмуалар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: «Педагогик технология – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажмуи сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир [50].

Н.Сайидахмедовнинг фикрича, «Педагогик технология –бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба) ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёндир [68].

Педагогик технологияга шунга ўхшаш таърифлар бир қанча олимлар М.В.Кларин [35], В.М.Монахов [50], Б.Л.Фарберман [79], С.А.Смирнов [62] Н.Я.Савельев [65], томонидан берилган.

«Педагогик технология»нинг ишлаб чиқариш технологиясидан фарқи шундаки, дастлабки ва сўнгги натижаларга эришишда шахс (инсон) туради. Масалан, ҳозирги ўқитиш технологиясида ўқитувчи жорий назорат даврида баъзи ўқувчилардаги ўқув материални ўзлаштириш давомидаги юзага келган қийинчиликларни аниқлайди ва улар билан қўшимча машғулотлар олиб боради. Хориждагидан фарқли ўлароқ, ўзимизнинг педагогик назария ва амалиётимизда, хусусан, шахсни шакллантириш, сифатлари ва хусусиятларини ривожлантирувчи технологиялардан фойдаланувчи тарбиявий жараён, ўргатувчи, ҳамда дидактик технологияларни амалга оширувчи таълим жараёни билан фарқланади. Баъзи илмий тадқиқотларда педагогик технологияларни хусусий методикаларидан фарқли жиҳатлари ҳам ўрганилган.

Масалан, Г.К.Селевко фикрига кўра технология хусусий методикадан ўзининг натижаларини мустаҳкамлаш бўйича фарқланади, унда процессуал, сонли ва ҳисобли компонентлар кўпроқ тақдим этилади» [70]

Ўқитиш назариясида технология предметли методикадан фарқли ўлароқ, қуйидагича лойиҳалаштирилади:

- мавжуд шароитлардан келиб чиққан ва белгиланган натижаларга йўналтирилган ҳолда, режалаштирилган аниқ педагогик фаолияти орқали;
- таълим берувчилар томонидан дарсни услубий жиҳатдан ишлаб чиқишдан фарқли равишда таълим олувчиларга ва уларнинг шахсий фаолияти ҳисобига ўқитишда ютуқларга эришишларини таъминлашга йўналтирилиши орқали;
- технологияда ортиқча ҳеч нарса бўлмаслиги шарт: қайта ўзгартириш йўллари, усуллари ва воситаларини алмаштириш-бу, технологиянинг йўқлиги белгисидир.

Юқоридагиларга таяниб, биз анъанавий ўқитишни замонавий технологияларга асосланган касбий таълимдан фарқ қилувчи белгиларини очиқ берувчи маълумотларни келтирдик.

(2.1-жадвал)

2.1-жадвал

Анъанавий ўқитишнинг замонавий технологияларга асосланган ўқитишдан ўзига хос фарқлари.

Анъанавий ўқитишга асосланган ёндашув	Замонавий технологияларга асосланган ёндашув
Мажбурловчи, таълим олувчига ёндашиш бўйича насихатгўйлик аксарият усул бўйича репродуктивли, ўқитишни қаттиққўллик билан ташкил қилувчи авторитар, таълим олувчиларнинг мустақиллигини ва ташаббускорлигини бостирувчи педагогикага асосланади. Ўқитиш, қандайдир ўртача ҳолга келтирилган ўқувчига, уни билимларни ўзлаштиришига ва қайта тиклашига йўналтирилган. Ўқиш-эслаб қолиш функцияси, ўқитиш эса –етакчи фаолият. Таълим парадигмаси: таълим берувчи-дарслик-таълим олувчи.	Шахсга йўналтирилган таълимга асосланган. Таълим олувчи шахси - таълим жараёнининг марказий фигураси. Муносабатларни инсонпарварлиги ва демократлашуви, ўқишга мажбурлашдан воз кечиш. Ўқитишга табақалашган ёндашув: таълим олувчини интеллектуал ривожланиш даражасини, предметни, мавзунини ўзлаштиришини, қобилият ва сифатларини ҳисобга олиш. Ўқиш фаолияти-билимларни мустақил эгаллаш ва таълим олувчи томонидан ўзлаштирилган билимларни қўллаш. Таълимнинг янги парадигмаси: таълим олувчи-дарслик-таълим берувчи.

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, янги педагогик технологияларга асосланган замонавий таълим, анъанавий таълимдан усуллари ва воситалари, уни ташкил қилиш шакллари ва натижалари (таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ўзлаштириш даражалари) билан сезиларли даражада фарқ қилади. Замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ўқув жараёнини мукаммаллаштиришга кўмаклашиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Анъанавий ўқитишда, одатда, дарснинг мақсади бўлиб, ахборотни пасив узатиш ҳисобланади, топшириқлар асосан алгоритмик даражада бажарилади.

Анъанавий ўқитиш тизимида таълим олувчининг педагогик таъсирлар остида билим олиши ётади, бунда ўқувчининг фаолияти фаол ижодий характерга эга бўлмайди. Бу эса, ҳозирги таълим талабларига мос келмайди.

Касб- ҳунар таълимида кичик мутахассислар тайёрлашда ўқувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусиятлар келажакда ўқувчилар қобилияти ва қизиқишига онгли равишда ёндашиш, ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошишига ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда тизимли фаолият ёндашуви асосида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва фаоллаштириш, ҳамда тушуниш методлари ёрдамида ўқитиш технологиялар бир қатор илмий тадқиқот ишларида ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларга маълумотлар билан интенсив ишлаш методларини кўп ҳажмдаги маълумотларни тартиблаштириш, сақлаш, тақдим этиш ва ўзлаштиришни ўргатади. Ушбу методлар дарсликлар ва турли ўқув қўлланмаларни яратишда асос қилиб олиниши мумкин. Бундай методнинг янгилиги шахсий қобилиятларни ривожлантирувчи тарбия, ўқитиш психологиясини, ҳамда педагогиканинг янги гуманистик концепциясини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилишини талаб этади [16,22,43,63].

Агар мутахассис тайёрловчи таълим муассасасини ишлаб чиқариш корхонаси билан таққослайдиган бўлсак, меҳнат қуроли ёки воситаси функциясини дарслик бажаради. Ўқув жараёнида бирон-бир машғулот дарсликсиз ўтмайди. Ўқитиш технологиясида дарслик ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўзига хос сценариясини бажаради.

Шунинг учун дарсликдаги педагогик тизимнинг моделини қуйидаги тузилма орқали ифодаландик;

- дастлаб педагогик тизимнинг мақсадлари аниқланади ва батафсил баён этилади, бунда қўйиладиган мақсадлар барча параметрларининг аниқлиги, ўлчанувчанлиги ва қайта ишланувчанлиги каби диагностик талаблар қўйилади;
- умумдидактик тамойилларни ҳисобга олиб, ўқитиш мазмуни яъни; кетма-кетлиги, яқинлашувчанлиги, илмийлиги, устуворлиги ва кўргазмалилиги ёритилади;
- ўқитиш мазмунида ўқувчилар фаолиятларида ўзлаштириладиган асосий қонунлар, хоссалар, қоидалар, тамойиллар, алгоритмлар, усуллар, хусусиятлар каби зарурий билимлар акс эттирилади, шунингдек, ўқитиш мазмунини танлаш ўқув мақсадига мос равишда амалга оширилади.

Дарсликни яратиш ва унда маълум педагогик тизимни моделлаштиришнинг навбатдаги босқичи бўлиб, дидактик жараёнларни танлаш ва ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Махсус фан мазмунини дидактик ишлов бериш орқали ўқувчиларга тушунарли бўлишини таъминлаш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

- ўрганилган материалнинг ўқувчилар ҳаёти, уларнинг амалий ишлари ва ихтисослиги билан етарли даражада боғланиш бўлишини таъминлаш;
- муаммоли топшириқ ва саволларни киритиш, уларнинг ишонарлилигини, қизиқарлилигини, ҳамда эҳтиросий ифодадорлигини кучайтириш орқали ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг қобилиятларини ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув мақсадларига эришишни таъминловчи топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш.

Агар юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатлар таъминланса, у ҳолда ўқитиш технологиясини ифодаловчи модел ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.

Дарсликни яратиш педагогик тизимни моделлаштиришнинг якунловчи босқичи бўлиб, ўқитишнинг ташкилий кўринишларини ишлаб чиқишини назарда тутди. Ўқитишнинг ташкилий кўринишлари деганда, ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини ташкиллаштирадиган ва машғулоти ўтказишдаги (аудиторияда, лабораторияда, ўқув устaxonаларида, уйда ва ҳоказо) ташқи шароитлар тушунилади. Агар моделда педагогик тизимнинг у ёки бу элементларини ёритишда аниқлик бўлмаса, биз турли хилдаги «комплектлашмаган» дарсликларга эга бўламиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, махсус фанлар дарсликларининг янги авлоди ўқитиш технологияларига боғлиқ ҳолда қуйидаги талабларга жавоб бериши кераклиги аниқланди:

- ўқитиш мақсадларига эришишда барча функцияларни бажариши;
- таълим стандарти талабларига жавоб бериши, ўқувчилар етарли билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари учун саволлар ва топшириқлар тизимига эга бўлиши;
- касбга қизиқтирувчи ва ривожлантирувчи компонентни қамраб олиши;
- унинг мазмуний тузилмаси ўқитувчининг ўқувчилар томонидан билим олиш фаолиятларини бошқаришга йўналтирилган бўлиши;
- у босма кўринишда ёки электрон шаклда бўлишидан қатъий назар, ўқитиш жараёнининг исталган шароитларида самарали бўлиши керак.

Ушбу талабларни бажарилиши махсус фан ўқув адабиётларининг сифатини ошириш учун аҳамиятли ҳисобланади.

Юқоридагилар бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва шу технологиялар асосида махсус фанлар дарсликлари янги авлодини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Демак, дарсликлар янги авлоди замонавий ўқитиш технологияларига асосланган, ривожлантирувчи ғояларга йўналтирилган бўлиши ва унда миллий хусусиятлар эътиборга олинishi керак.

II-БОБ. МАХСУС ФАНЛАР БЎЙИЧА МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Модулли технология асосида махсус фанлардан ўқув адабиётларини яратиш имкониятлари

Ўқитишда замонавий педагогик технологияларни жорий этилиши дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратувчилардан бошқача илмий методик ёндашувни талаб этади.

Замонавий ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш орқали биз махсус фанлар дарслиги янги авлодини яратиш муаммоларини кетма-кет ва аниқ ечиш имкониятига эга бўламиз.

Махсус фанлардан ўқув адабиётларини яратиш ва ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришда модулли ўқитиш технологиясини қўллаш яхши самара беради.

Биз томондан модулли ўқитиш технологияларига қаратилган Н.В. Бородина [20], И.М. Махмутов [47], С.А.Самойлова. [67], В.В.Шоган [83], Г.К. Селевко [70], Н.Х. Авлиёкулов [9,10] Л.Ф. Ибатулина [30], В.М.Зимин [28] каби педагог-олимларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотларда модулли ўқитишнинг моҳияти, тамойиллари ва модулли технология асосида назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш усуллари каби масалалар ёритилган.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагоглар фаолияти орқали ифодаланади. Улар билим беришга йўналтирилган бўлиб, модулли ўқитишда ўқувчилар фаолияти орқали ифодаланади ва касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади [15].

Модул - фаннинг ўзаро боғлиқ фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган, дидактик тамойиллар асосида тузилган, ўқув материалнинг бирлигидир [57].

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига жуда яхши мослашади.

Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

- Модул – фаолиятлилик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларини ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбий мотивация (қизиқтириш) асосида, фаоллаштириш, мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишдаги табақалаш орқали, босқичма-босқич ўқитиш, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш имконияти яратилади. Модулли технология асосида ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар назарда тутилди:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитиш жараёнини жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Бизнинг назаримизда махсус фанлардан модулли технология асосида ўқув адабиётларининг яратилиши ва таълим жараёнига жорий этилишида модулли ўқитиш тизими тўлиқ амалга оширилади. Биринчи навбатда махсус фаннинг

модулли ўқув дастури ишлаб чиқилади ва шу дастур асосида тегишли дарслик ёки ўқув қўлланмалар яратилади.

Модулли ўқув дастурида махсус фанга тегишли битта фаолият турига тегишли бир-бирига боғлиқ мавзулар гуруҳланади.


Махсус фан таркибидаги ҳар бир модул ўзида бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларни ва фаолият турини ўрганишга қаратилган назарий билимлар ва шу назарий билимларни эгаллашга қўмаклашиши билан амалий машғулотлар, ҳамда билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини қамраб олади.

Модулли технология асосида ўқув адабиётларини яратишда ҳар бир модул таълим олувчиларда мустақил тафаккур юритиш, мустақил режалаштириш ва муаммоларни ечиш йўллариини таклиф қилиши, ҳамда билимларни касбий фаолиятга қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир модулда ўқув дастурига мос равишдаги қоидалар ўз аксини топиши, таълим мазмунини барча ташкил этувчилари қамраб олиниши, ўзлаштиришни ташкил қилиш аппарати бўлиши ва мазмуннинг аниқ тузилмавий тизими сақланиши керак. Демак, модулда маълум бир фаолият турининг мазмуни ва усуллари умумлаштирилган бўлиши, ҳамда сифатли ишлаб чиқилган услубий аппарат иштирок этиши керак.

Дарсликдаги ҳар бир модул ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини фаоллаштириш ва қизиқтириш, мустақил ўрганиш, ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш ва индивидуал ишлаш имкониятини яратиш каби масалаларни ечиши керак.

Махсус фан дарслигининг модулли тузилмасини 1-расм орқали тасвирлаш мумкин. Биз томондан ушбу тузилмада яратилган «Ўқувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» фанидан ишлаб чиқилган намунавий модул диссертациянинг 1-илова қисмида келтирилган.



1-расм. Махсус фан дарслигининг модулли тузилмаси

1. Кириш дарсликнинг зарурий қисми бўлиб ҳисобланади. Унда фаннинг бутун жамият ва ҳар бир бўлажак кичик мутахассис келажакдаги касбий фаолиятининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилиши лозим. Махсус фанлар дарсликларининг муқаддималарида фанга тегишли бўлган ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва ривожланиши, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фаннинг роли, ушбу фанни ўрганишнинг келгусидаги мақсади, дарсликдан фойдаланишда эътибор бериш керак бўлган муаммолар, ўрганиш давомида қўлланиладиган услуб ва усуллар очиб берилади. Дарсликдаги модуллارни ўзлаштиришда таянч билимлар мазмуни ва ҳажми кўрсатиб берилиши, ҳамда мустақил ишни ташкил қилиш бўйича тавсиялар бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча кириш тушунарли, қисқа, икки, уч бетдан ошмаган ҳажмда бўлиши керак. Аниқроғи, муқаддимада:

- махсус фан ҳақида тушунча берилади;
- махсус фанни ўрганиш зарурияти асосланади;
- махсус фанга тегишли бўлган ишлаб чиқаришнинг замонавий ривожланиши тўғрисида маълумотлар берилади;
- махсус ва бошқа фанлар билан ўрганиладиган материалнинг устуворлиги очиқ берилади;
- бу фаннинг амалиёт билан ўзаро алоқаси, амалий вазиятларда олинган билим ва малакаларни қўллаш усуллари ҳақида сўз юритилади.

2. Модулнинг ўқув мақсадларини белгилашда ҳар бир модулнинг ўқув мақсадлари касбий фаолиятга қўйиладиган махсус талаблар , билим ва кўникмалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши, ҳамда ўқувчилар ҳаракатида ифодаланадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланиши керак. Назарий ва амалий ўқув материаллари эса модулни ўзлаштиришда аниқ мақсадга йўналтирилади. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмаса, у ҳолда модулнинг мазмуний ва дидактик тузилиши бузилади. Модулни ўрганиш мақсадлари когнитив, психомоторик ва аффектив соҳаларда тузилиши мумкин .

Когнитив ўрганиш соҳаси ақлда қайта ишланган ахборотларни, яъни далил ва тушунчаларни, тамойил ва усулларни таҳлил ва синтез қилиш, баҳолаш орқали қўллашни ўз ичига олади.

Когнитив ўрганиш соҳаси билимларни ёдда сақлаш, кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш, кўзланган ўрганиш мақсадларни ўзида мужассам этади. Булар ўқув адабиётларида ўз ифодасини топади.

Психомоторик ўрганиш соҳаси модулни ўрганиш бўйича амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган қобилиятлар ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув материалларини ишлаб чиқишга мўлжалланган. Масалан, тикув машинасини ишлатиш ва унда бирон бир тикиш жараёнини бажариш бўйича амалий машгулотлар ўқув материаллари психомоторик ўрганиш соҳасига таалуклидир.

Демак, ўқув материалида ўқувчининг мустақил ишлаши ва ўз хоҳиши билан бошқариладиган ҳаракатлар ифодаланиши керак.

Аффектив ўрганиш соҳаси муносабат, қадрият, интизомга нисбатан қараш, меҳнат хавфсизлиги, меҳнатга тайёргарлик каби эмоционал ҳолатларни ўз ичига олади. Албатта, ҳар бир модул бўйича бирон бир фаолият турини амалга оширишда риоя қилинадиган меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил этишга боғлиқ ўқув материаллари, кўрсатмалар ва тавсиялар бўлиши керак.

Модулни ўқув мақсадларини белгилаш қуйидаги тоифаларни ўзида камраб олиши тавсия этилди:

Билиш - бу далиллар ва тамойилларни эслаб қолиш ва қайта хотирлашни билдиради. Бунда ўқувчи ўзлаштирган билимларини эслаши ва уларни айтиб бериши мумкин;

Тушуниш - ўрганилган ўқув материалнинг моҳиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, бунда хулосалар чиқарилади, мавжуд вазият таҳлил қилинади. Тушуниш кўрсаткичи сифатида изоҳлаб бериш, материални қисқача ифода этиш ёки кейинги ҳодисалар тўғрисида таклифлар бериш ва ҳоказолар иштирок этади;

Методлар,қоидалар,умумий тушунчаларни қўллаш- бунга қоидалар, методлар, тушунчалар, принциплар, назарияларни қўллаш киради. Бунда ўқитиш натижалари ўқув материални тушунишдан кўра юқори савияда ўзлаштиришни талаб қилади;

Таҳлил қилиш – бу бутунни элементларга бўла олиш, элементларнинг градацияси ва муносабатларни ўрната олиш, бутунни ташкил қилиш принципларини билиш. Бу ҳолда ўқув натижалари тушуниш ва қўллашга нисбатан ўзининг юқори интеллектуал савияси билан характерланади, чунки у ўқув материалининг мазмуни ва унинг ички тузилишини билишни талаб қилади;

Синтез - янги тузилмаларни ҳосил қилиш мақсадида берилган элементлардан бир бутунни яратиш. Мос натижалар янги схема ва

структураларни яратишга йўналтирилган ижодий характердаги фаолиятни ифодалайди.

Баҳолаш - қабул қилинган мақсадларни ҳисобга олиб материаллар ва методларни баҳолаш. Бу категория барча олдинги категориялар ва аниқ ажралиб турган критерияларга асосланган баҳоловчи фикрлар бўйича ўқув натижаларига эришишни талаб қилади.

Ҳар бир модул бўйича таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш лозим. Ҳар бир таянч иборани, ўрганилиш чуқурлигини ўрнатиш зарур бўлади. Яъни ўқувчи қайсидир таянч иборани билиш даражасида, бошқасини қўллаш, айрим таянч ибораларни баҳолаш даражасида ўзлаштириши керак бўлади.

3. Модулдаги назарий ва амалий ўқув материаллар, изохлар, луғатлар. Назарий ўқув материалида модулга тегишли фаолият тури назарий жиҳатдан ёритилиши керак. Модулда ўрганилиши лозим бўлган бирон бир машина ёки қурилманинг тузилиши ва ишлаш принципи ёки таъмирлаш ва созлаш усуллари, фаолият тури бажариладиган технологик жараёнлар, маҳсулотларга ишлов бериш усуллари ва кетма-кетлиги, меҳнат хавфсизлиги қоидалари назарий жиҳатдан тўлиқ ёритилиши керак. Амалий ўқув материалларида модулни ўзлаштиришда ва мустақил тарзда билимлар олишда ўқувчи бажарадиган амалий фаолият усуллари, тажриба ва экспериментларни ўтказиш методлари баён қилиниши ҳамда кўрсатмалар, тавсиялар берилиши керак. Шунингдек, ўқувчиларда касбий кўникма ва маҳоратларни шакллантириш учун ҳақиқий объектлар билан ўзаро ҳаракат усуллари ва ҳаётий тажрибалар батафсил баён этилади. Ўқувчиларнинг бевосита амалий ишларни бажаришлари учун шундай услубий тавсиялар берилиши керакки, ундан ўқувчилар маълум кўникма ва маҳоратларни эгаллашлари учун ўзларининг билимларини амалиётга қўллашни ўрганишлари керак.

Назарий ва амалий матнларда модул мазмуни аниқ акс эттирилиши, ўқувчиларга кейинги модулга ўтишда қизиқишни уйғотиши, ва таассурот

қолдирадиган бўлиши керак. Матннинг тили ва тушунарлилиги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ёшига мос келиши керак.

Модулда изоҳлар, луғатлар берилиши ўқув материални ўзлаштиришни осонлаштиради.

Изоҳлар, ўқувчиларнинг модулни мустақил ўрганишлари учун, шароитлар яратиб бериши керак. Изоҳлар маълумотлар кўринишида расмийлаштирилади. Бироқ шуни ҳам инобатга олиш керакки, изоҳларнинг ҳажми катталиги ва даврий такрорланиши ўқувчиларга фикрларини бир жойга жамлашни қийинлаштиради, материални тўлиқлигича қабул қилишларини қийинлаштиради, асосий матнга диққатни жалб қилишга халақит қилади.

Модулни ўзлаштиришда атамашунослик, таржимали ва техникавий луғатларнинг берилиши матндаги янги атамалар, атамаларни тушунишга ёрдам беради.

4. Саволлар, тестлар, топшириқлар ва машқлар. Ҳар бир модулда ўқувчиларнинг ўз-ўзини текшириш ва билимларини мустаҳкамлаш учун саволлар, тестлар, мустақил ишлаш учун амалий топшириқлар ёки машқлар ва уларни бажариш учун услубий кўрсатма тавсиялар бўлиши керак. Саволлар ўқувчиларни билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, синтез, таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маҳоратларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Тестларни қуйидаги йўналишларда тузилиши тавсия этилади.

- модулнинг ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқлаш тестлари;
- интеллект ва қобилиятларни аниқлаш тестлари;
- ўқувчининг касбига лаёқатли эканлигини аниқлаш тестлари;
- ўқувчининг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари;

Топшириқ ва тестларни қуйидаги муҳим мезонлар бўйича тузиш тавсия этилади:

1. Ҳақиқийлик. Текширилиши керак билим ёки қўшимча мазмунан қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим. Бунда ўрганиш мақсадига нисбатан мазмуний алоқадорликни яратиш назарда тутилган;

2.Объективлилик. Бир-биридан мустақил ўқитувчилар бир хил ўқувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест объектив ҳисобланади. Бу объективлилик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун ҳам тааллуқлидир. Ушбу мезонлар кўпинча "расмий тестлар" пайтида амалга оширилади, холос. Ўқитувчи томонидан тузилган тестлар эса одатда мазкур талабларни бажармайди.

3.Ишончлилик. Бунда топшириқ ёки тестнинг модулни ўрганиш мақсадларини назорат қилишга сафарбар этилиш учун нақадар ишончли эканлиги назарда тутилган.

4.Диагностик баҳо. Бунда ўқитувчи топшириқ ёки тестдан кейин юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар зарур эканлигини баҳолай олиш-олмаслиги назарда тутилган.

5.Балл бериш. Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш модулни ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан муҳимроқ бўлган қисмларига кўпроқ балл бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёзма топшириқлар эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқларга бўлинади.

Эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- атрофлича тўлиқ эркин жавоб талаб этадиган топшириқлар (масалан ёзма иш);

- қисқа эркин жавоб беришни талаб этадиган топшириқлар (жавоб бериш учун очик жой қолдирилган топшириқлар, шунингдек, жавоб катаклари берилган топшириқлар);
- берилган жавоблардан бирини танлаш лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:
- кўплаб вариантлардан бирини танлаш бўйича топшириқлар (дастурлаштирилган топшириқлар, тест);
- алтернатив жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар;
- тартибини ўзгартириш талаб этиладиган топшириқлар. (булардан тўлдириш топшириқлари, тегишлиликни аниқлаш топшириқлари, тўғри кетма-кетликка келтириш топшириқлари, даражасига кўра жойлаштиришни талаб этувчи топшириқлар).

Эркин жавоб бериш лозим бўлган ёзма топшириқлар натижаларни аниқлашнинг анъанавий шаклини ифода этади.

Улар ўқувчилардан мустақил ҳаракатни талаб этади. Натижа ўз навбатида ўқувчининг билимларига, қарашларига, ёзиш ва ифода этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Вақт бу ерда муҳим ҳисобланади.

Бўш жойларни тўлдириш, топшириқларни ечиш тўлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлаклари, символлар ва сонлардан ташкил топади. Агар ечим тушунчалари киритилган рўйхат ҳам тузилган бўлса, у ҳолда яхши объективликка эришиш мумкин.

Берилган жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар "дастурлаштирилган топшириқлар" деб аталади. Бунда битта тўқима тўғри жавобдан чалғитадиган бир қанча нотўғри жавоблар киритилган бўлади. Бу билан ўқувчидан қарор қабул қилиш қобилиятини кўрсатиш кутилади.

Алтернатив топшириқларда фақатгина битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кўра тўғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

Тўлдириш топшириқларида жавоблар сифатида берилган фикрлар, тушунчалар, гап бўлаклари, символлар, сонлар махсус рақамлар воситасида ечим ўринларига киритилади.

5. Технологик харита – модул бўйича фаолият усулининг бажарилиш бўйича амалга ошириладиган амалий ишлар мажмуидир.

Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки модул давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада қоидали тарзда тасвирланиши керак.

6. Ўқув адабиётлари ва дидактик воситалар рўйхати. Ҳар бир модул охирида модулни ўзлаштириш учун қўшимча адабиётлар, зарурий жиҳозлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб ускуналар ва маҳсулотлар рўйхати берилиши керак. Чунки ўқувчилар мустақил ишларни бажаришлари давомида қўшимча адабиётлардан фойдаланишлари учун имконият бўлиши керак. Ўқувчилар амалий ишларни бажаришлари учун зарурий жиҳозлар ва ускуналар рўйхати берилиши шарт.

6. Фанни модулли ўқитиш методикасига доир тавсиялар ва кўрсатмалар. Модулли тузилма асосида яратиладиган дарслик охирида фанни модулли технология асосида ўқитишни ташкил этиш, ўтказиш, ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича методик тавсиялар берилиши керак.

Дарсликни модулли технология асосида ишлаб чиқишнинг моҳияти шундаки, таълим олувчининг ўқув жараёнида аниқ натижага эришишини кафолатловчи фаолиятини дастурловчи модулларни яратишдан иборатдир. Шунинг учун махсус фанлар дарслигининг мазмунини ишлаб чиқиш ўқув материали чегарасида эмас, балки мустақил ва тугалланган ўқув жараёни лойиҳаси, яъни модул кўринишида тақдим этилиши керак.

Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарслик функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланиши мумкин. Махсус фанлар бўйича амалий

машғулотларни ташкил этиш ва ўқув амалиётларини ўтказиш бўйича модулли ўқув қўлланмалар бўйича намунавий модуллар 2 ва 3 - иловаларда келтирилган. Ушбу ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларининг афзаллиги шундаки, модул бўйича амалга ошириладиган ҳар бир фаолият тури хариталар кўринишида берилиб, улар асосан ўқувчининг мустақил равишда амалий ишларни бажариш, тажрибалар ўтказишга йўналтирилиш имкониятини беради.

Махсус фанларни модулли ўқув адабиётлари ёрдамида ўқитишда қуйидаги афзалликлар намоён бўлиши аниқланди:

- фаннинг ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан мувофиқлиги ўрнатилиши;
- ўқувчилар мунтазам ўзлаштириши ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- ўқишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Махсус фан бўйича ўқув адабиётларини модулли ёндашув асосида ишлаб чиқиши турли хилдаги муаммолардан халос этади. Масалан, модулда бир қанча топшириқ ёки лойиҳаларни берилиши, ўқувчиларда амалий фаолияти учун бажариши мумкин бўлганларни ўзлари танлаб олиш имкониятини яратади. Ушбу ҳол педагогик жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Махсус фанларнинг модулли тузилмаси ўқув адабиётларининг таълим жараёнида қўлланилиши кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини оширади, уларда мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятларини шакллантиришга, ишни режалаштириш, ҳамда ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришга имконият яратади.

2.2. Махсус фанлардан модулли технология асосида ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш босқичлари.

Махсус фанлардан модули технология асосида ўқув адабиётларини яратиш жараёнини қўлёзмани тайёрлашдан бошлаб, унинг нашриётдан китоб кўринишида чиққунига қадар бўлган бутун даврни қуйидаги аҳамиятли босқичларга бўлиш тавсия этилди.

1. Муаллифлар жамоасини танлаш ва тасдиқлаш босқичи. Бу босқич жуда қийин ва маъсулиятлидир, чунки бўлажак янги дарсликнинг сифати муаллифларнинг педагогик ва касбий маҳоратига уларнинг билимдонлигига боғлиқ бўлади. Биз ўқув адабиётини яратиш бўйича муаллифлар гуруҳини тузишни ва концепцияларни ишлаб чиқиш бўйича курсларни, марказларни ташкил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, махсус фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланма ёзиш бўйича муаллифлик жамоаси таркибига қуйидаги иштирокчилар киришлари керак: олий ўқув юртларидан етакчи олимлар ёки педагоглар, касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари ёки ишлаб чиқариш таълими усталари ва соҳа мутахассислари. Бизнинг назаримизда, муаллифлар биринчи навбатда яратиладиган дарсликнинг концепциясини ёзма равишда тавсия этишлари, режа тузишлари, мазмуний-услубий тизимни баён қилишлари, интеграцияни жорий қилиш йўллари изохлашлари ва шу билан бирга ўзларининг ижодий потенциалларини намойиш этишлари керак. Қўшимча равишда худди хорижий давлатларда қабул қилинганидек муаллифларни тест синовини ўтказиш мумкин. Агар шу барча жиҳатларни ва талабларни умумлаштирсак, «муаллифларни танлаб олиш шартларини» ишлаб чиқиш имкониятига эга бўламиз. Бошқа давлатларнинг олимлари «муаллифларни дарсликни ёзишга ўргатиш» ишига жуда маъсулиятли ёндашадилар. Дарсликларни яратиш ва такомиллаштиришга доир семинарлар ва ўқишлар ташкил этишади.

Бизнинг назаримизда, хорижий давлатлар тажрибаларини республикамызда қўллаш ва жорий қилишга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади;


2) Қўлёзмани тайёрлаш ва унинг сифатини назорат қилиш босқичи. Бу босқич ташкилий ишларининг бош вазифаси – муаллифларга етарлича вақт ажратиш ва улар учун шароит яратиб беришдир (тўловли иш таътили, бошланғич аванслар таклиф этиш). Муаллиф қанчалик истеъдодли бўлмасин, дарсликдек мураккаб тузилмали ўқитиш воситасини тез вақтда ва иш орасида сифатли тайёрлаш, уларга қийинчилик туғдиради. Шунинг учун, муаллифга Давлат буюртмасининг ижросиси сифатида қатъий талаблар қўйиш билан бирга, мос равишдаги шароитлар ҳам яратиб бериш керак.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда якка муаллиф ёки муаллифлар жамоаси бўлиши мумкин ва бунинг ҳар бир ёндашувларида ўзининг салбий ва ижобий томонлари бор. Якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма одатда, бир хил усул ва методда ёзилади. Бироқ муаллиф ўқув предмети мазмунини ташкил қилувчи турли хилдаги мавзулар бўйича бир хил компетентга эга бўлмаслиги мумкин ва бу вақтда у ҳаммуаллифларга муҳтож бўлади.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларни муаллифлар жамоаси билан ёзилишининг афзаллиги шундаки, уларда ўзаро келишилган ҳолда боблар, бўлимларни тақсимлаб олиш имконияти яратилади. Муаллифлар жамоасида бир-бирини яхши биладиган, ҳурмат қиладиган, ягона фикр юритадиган шахслар кирса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бироқ бундай ҳолатда жамоа қўлёзма турли хил усулларда бўлмаслигини, очиб берилаётган мавзулар ва саволларнинг ҳажмига риоя қилинишини, ўзлаштириш ва йўналтирувчи аппаратлардан тўғри фойдаланилишини кузатиб борадиган бош муҳаррир бўлиши керак.

Махсус фанлар бўйича яратиладиган сифатли ўқув адабиёти
2-расмда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлиши керак.



2-расм. Ўқув адабиётининг асосий хусусиятлари.

Муаллифлар таркибига, биз айтиб ўтганимиздек, касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси ёки устаси ва соҳа мутахассислари киради. Улар ҳаммуаллифларга дарсликнинг ёзилган қисмларининг услубий жиҳатини яхшилаш учун ҳам амалиётчи, ҳам услубиётчи, ҳам тажрибали ўқитувчи сифатида ёрдам беришга жалб қилинадилар. Дарсликнинг услубий аппаратини шакллантиришда махсус фан ўқитувчилари муҳим ўрин эгаллайдилар;

3) Ёзилган қўлёзманинг сифатини аниқлаш босқичи. Бу босқич тузатилган қўлёзманинг охириги варианты Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-услубий кенгашда тасдиқлангандан сўнг, мос равишдаги ҳужжатлар билан биргаликда нашриётга топшириш билан яқунланади. Дарслик қўлёзмасининг сифатини аниқлаш осон иш эмас. Қўлёзма тақризчиси етук мутахассис ва педагог-олим бўлиши керак.

Муаллифларнинг коллеждаги махсус фан ўқитувчилари билан биргаликда дарслик ёки ўқув қўлланма қўлёзмасини тажриба синовидан ўтказишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашланиши керак.

Синов жараёнида муаллифларнинг қатнашуви нафақат дарсликни объектив баҳолашда, балки ўзларининг камчиликларини аниқлаш ва бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Тажриба-синовда иштирок этаётган касб-хунар коллежи махсус фан ўқитувчиси билимли ва масъулиятли бўлиши лозим.

Қўлёзма сифатини аниқлашда ва қарорлар қабул қилишда ўқув-услубий кенгаш ёки эксперт комиссия муҳим ўрин эгаллаши керак. Ўқув-услубий кенгаш ёки эксперт комиссия дарсликларнинг сифатини илмий ва услубий жиҳатдан ҳолисона баҳолашлари керак.

Шу билан боғлиқ равишда, мавжуд ва экспериментал дарслик ёки ўқув қўлланмалар сифатини баҳолаш мониторингини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг назаримизда экспериментал дарсликларни баҳолаш ва уларни асосий дарслик сифатида ўқув жараёнига жорий қилинишида

мавжуд дарсликлар тўғрисида юзага келган қарама-қаршилиқни йўқотишга ёрдам беради.

Яхши ташкиллаштирилган мониторинг – бу янги ўқув адабиётлари синаб кўриладиган таянч коллежида ўқув жараёнини мунтазам кузатиб борилишидир.

Шундай қилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш, ҳамда узлуксиз таълим тизими учун юқори сифатли дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва нашр этиш, ҳамда сифатини баҳолаш учун муаллифлар ва мутахассисларнинг бутун ижодий фаолиятини ва замонавий технологиялар арсеналини ҳаракатга келтириш зарур.

2.3. «Тикув ва трикотаж жиҳозларини ўрнатиш, йиғиш ва таъмирлаш асослари» фани бўйича намунавий модул

- I. Модул рақами 5
- II. Модул номи: Тикув ва трикотаж буюмлари тикиш машиналарини созлаш.
- III. Модулнинг ўқув мақсади: Ўқувчиларнинг тикув ва трикотаж буюмларини тикиш машиналарини ишчи органлари ва уларни созлаш бўйича назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, ушбу модулни муваффақиятли ўрганганларидан сўнг қуйидагиларни билишлари ва бажара олишлари керак.
- IV. Ўқув машғулотлари соатлари: 12 ўқув соати
- V. Модулни ўрганиш бўйича назарий билимлар:
- тикув ва трикотаж машиналарининг асосий ишчи органлари вазифалари, тузилишлари ва ишлаш принциплари;
 - тикув ва трикотаж машиналарини созлаш бўйича кўрсатмалар;
- VI. Модулни ўрганиш давомида ўрганиладиган асосий билимлар ва кўникмалар:
1. Тикув машиналари ишчи органлари вазифалари, тузилишлар ва ишлаш принциплари ҳақида назарий билимга эга бўлиш;
- Тикув машинасини ишлатиш жараёнида техника хавфсизлигига риоя қилиш.

2. Тикув ва трикотаж буюмларини тикиш машиналарини созлаш бўйича қуйидаги кўникмаларга эга бўлиш:


- моки баҳяли тикув машиналари ишчи органларини созлаш;
- синиқ баҳя ҳосил қилувчи тикув машиналари ишчи органларини созлаш;
- занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи тикув машиналари ишчи органларини созлаш;
- икки игнали тикув машиналари ишчи органларини созлаш;
- йўрмаш тикиш машиналарини созлаш;
- ярим автоматик тикув машиналари ишчи органларини созлаш;
- текис баҳяли тикув машиналарини созлаш;

НАЗАРИЙ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Тикув машиналарининг асосий ишчи органлари вазифалари, тузилишлари ва ишлаш принциплари

Игна - тикув машинасининг асосий ишчи органларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳамма машина игналари газламани тешиб, устки ипни игна пластинаси остига олиб ўтиш ва устки ипдан ҳалқа ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Игналар тўғри ва ёйсимон кўринишларда бўлади. Яширин баҳя ҳосил қилиб тикиш машиналарида ёйсимон игна материалнинг ярим қалинлигига санчилади. Ёйсимон шаклдаги игналар асосан ярим айлана траектория бўйлаб ҳаракатланади. Моки баҳяли тикув машиналарида эса вертикал ҳаракатланувчи тўғри игналар кўлланилади. Игнанинг узунлиги ва иш йўли орқали тикув машинасининг конструктив параметрлари аниқланади.



3-расм. Тўғри ва ёйсимон игнанинг баҳя ҳосил бўлиш жараёнидаги ҳолати: а- игнанинг газламага санчилиши, б-игна ипи халқаси ҳосил бўлиши, в-моки ёки чалиштиргичнинг халқани илиб олиши.


Моки - устки игна ипини илиб олиб, уни кенгайтириб, ўз атрофидан айлантириб остки ип билан чалиштириш учун хизмат қилади. Моки қурилмаси (3-расм), 1-найча, 2-найча қопқоғи, 3-моки ўқи, 4-найча ушлагич ва 5-моки илмоғларидан тузилган. Моки баҳяси ҳосил бўлиш жараёнида моки илмоғи игна энг пастки ҳолатидан кўтарилиши пайтида ҳосил бўлган ипнинг халқасини илиб олиб, уни кенгайтириб найчаушлагич атрофидан айлантиради. Моки ташқи диаметри бўйлаб айлантирилган игна ипи моки ипи билан чалишади ва баҳя ҳосил бўлади.

Баҳя ҳосил бўлиш жараёнида тўғри ва ёйсимон игналарнинг ҳолати 3-расмда кўрсатилган.


Яширин занжирсимон чок билан тикувчи машиналарда ёйсимон игна газлама қатламининг ярим қалинлигига санчилади. Бу жараён игнанинг ёйсимон траектория бўйича ҳаракати орқали таъминланади (4 расм)

Тикув машиналарида найчадаги ипнинг узунлигига қараб нормал ва катта ҳажмли мокилар қўлланилади. Тикув машинасининг лойиҳалаш ва

такомиллаштириш жараёнида, унинг стабил ишлаши ва умрбоқийлигини таъминлаш, асосан мокиларни тўғри танлашга боғлиқ бўлади (5 расм)




4-расм. Яширин занжирсимон баҳя ҳосил бўлиш жараёни: а, б-игнанинг газлама устки қисмига санчилиш нуқталари. 1-игна, 2-бўрттиргич, 3-игна пластинаси



5-расм. Моки ёрдамида баҳя
ҳосил бўлиши: 1-найча, 2-найча
қопқоғи, 3-моки ўқи, 4-найчаушлагич
5-моки илмоғи, 6- игна, 7-тепки, 8-
газлама

Тикилаётган кийимдаги баҳяқатор кўриниши ҳам моки танланишига боғлиқ. Занжирсимон баҳяли тикув машиналарида моки функциясини чалиштиргич бажаради. Иш жараёнида чалиштиргич игна ипи ҳалқасини илиб олиб, унга ўзининг ипини ўтказиб, уни игнанинг газламага кейинги санчилишига тайёрлайди (6-расм) ва ҳалқага ҳалқани ўтказиш билан баҳя



6-расм. Чалиштиргич ёрдамида бахя
хосил булиши: 1-чалиштиргич, 2-игна, 3-
чалиштиргич ипи, 4-игна ипи, 5-газлама

ҳосил бўлади. Ҳаракат йўналиши бўйича ўнг ва чап чалиштиргичлар мавжуд.

Чалиштиргичнинг тебраниш ва айланиш ўқи горизонтал, ҳамда вертикал бўлади. Газламалар чеккасини 3 ипли йўрмаб тикувчи машиналарда баҳя ҳосил бўлишида

игна билан иккита устки ва остки чалиштиргичлар қатнашади. Бир ипли йўрмалаш баҳяси игна билан иккита кенгайтиргич иштирокида олинади.

Тишли рейка - газламани бир баҳя узунликка суриш вазифасини бажаради. Газламани суриш механизми баҳяқатор йириклигини созлаш, газлама сурилиш йўналишини ўзгартириш қурилмаларидан тузилган. Газлама сурилиши тишли рейка ва тепки иштирокида амалга оширилади. Баъзи тикув машиналарида газлама сурилиш жараёнида 2, 3, 4 ишчи органлар қатнашади (7-расм).


Трикотаж маҳсулотларини тикишда икки тишли рейкали дифференциал механизм қўлланилади. Баъзи ҳолларда материал билан тепки ва тишли рейка орасида ишқаланиш коэффиценти ҳар хил бўлиши натижасида газламанинг устки ва остки қатламларининг бир-бирига нисбатан силжиши содир бўлади. Бу ҳол материалга нисбатан ипнинг қалинлиги тўғри танланмаганидан келиб чиқиши мумкин. Газлама қатламлари силжишларини йўқотиш учун устки ва остки тишли рейкалар қўлланилган тикув машиналари ҳам мавжуд. Тери маҳсулотларини ва зич материалларни тикувчи машиналарда сурилиш жараёни роликлар ва тишли рейка иштирокида таъминланади.

Тишли рейка эллипсимон траектория бўйича ҳаракатланади.

Ип тортгич - игнанинг пастки ҳолати ҳаракатида, моки атрофида айлантририлишида сарф бўладиган ипни узатиш ва баҳяни таранглаш учун хизмат қилади. Занжирсимон чок билан тикувчи машиналарда ип тортгич функциясини ип узатгич бажаради. Ип тортгичлар кўп ҳолларда мураккаб ҳаракатланувчи ричаг кўринишида тайёрланади. Ип тортгич ўз функциясини игна ва моки ишлари билан ҳамкорликда бажаради. Тикув машиналарида ҳар хил кўринишдаги ип тортгич конструкциялари қўлланилган. Ип узатиш системасига ҳар хил турдаги ипни та- ранглаш қурилмасисиз сифатли чок олиб бўлмайди. Моки баҳяли тикув машиналарида найча қопқоғида пружинали таранглаш қурилмаси ўрнатилган. Ипни тарангланиши винт ёрдамида

пружинани сиқилиши натижасида таъминланади. Баҳяқатор сифати устки ва остки ипларнинг тарангланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Тақсимлагич - кўп игнали тикув машиналаридан устки ипларни тақсимлаш вазифасини бажаради. Тақсимлагич кўп ҳолларда бир, икки ва кўп ипли занжирсимон чокли кўп чизикли баҳяқаторлар ўртасидаги битта ипни тақсимлаш вазифасини бажаради. Ипни тақсимлаш чок тартибини, кўриниши ва хоссасини ўзгартиради.




7-расм. Баҳя узунлиги йўналиши бўйича бўйлама тебранма ҳаракатланувчан игна ва тишли рейка иштирокида газлама сурилиши.

- 1 - тепки, 2 - игна, 3 - тепки асоси, 4 - устки материал,
5 - остки материал, 6 - тишли рейка

Занжирсимон баҳяқаторлар орасидаги ипни тақсимлаш жараёни 8-расмда кўрсатилган.

Тақсимлагич баҳя узунлигига кўндаланг тебранма ҳаракатланиб, ўзининг ипини игналар орасидан ўтказди. Бу ҳолда



8-расм. Тақсимлагичнинг устки ипни олиб олиш жараёни.

1-игналар, 2-устки ип, 3-тақсимлагич

турли рангдаги иплар ишлатилганда чиройли баҳяқатор ҳосил қилиш мумкин.

Тикув ва трикотаж буюмларини тикиш машинасини созлаш ишларини бажаришда техника хавфсизлиги қоидалари

Тикув машиналарида созлаш ишларини бажариш пайтида техника хавфсизлиги қоидалари бўйича қуйидаги талабларни бажариш керак;

- Махсус кийимни тартибга келтирган ҳолда тўғри кийиш;
- Қўл ва сочни машинанинг ҳаракатланувчи қисмларидан эҳтиёт қилинг;
- Созлаш ишларини бажаришдан олдин маҳаллий ёруғликни кўзни қамаштирмайдиган қилиб ва ишчи ўрнига яхши ёруғлик тушадиган қилиб мослаштириш;
- Агар созлаш ишлари домий иш жойига ўтказиладиган бўлса машинани энергия манбаидан ўчириш;
- Деталларга винтни осилган ҳолда бураманг.
- Яроқсиз ишчи органларидан фойдаланманг;

Саволлар.





1. Тикув машинасининг асосий ишчи органлари қайсилар?
2. Игна нима вазифани бажаради?
3. Ёйсимон шаклдаги игна қандай траекторияда ҳаракатланади?
4. Тикув машинасининг конструктив параметрлари нимага асосланиб аниқланади?
5. Моки қурилмаси қандай деталлардан иборат?
6. Чалиштиргичнинг тебраниш ва айланиш ўқлари қандай жойлашган бўлади?
7. Уч ипли йўрмаб тикишда қайси ишчи органлар қатнашади?
8. Бир ипли йўрмаб тикишда қайси ишчи органлар қатнашади?
9. Икки тишли рейкали дифференциал механизм қаерларда қўлланилади?
10. Ип тортгич нима вазифани бажаради?

Амалий машғулотлар




Ўқувчилар созлаш асбоблари билан таъминланадилар. Ўқувчиларни тўрттадан ошмаган гуруҳларга ажратиб, қуйидаги жадвалга келтирилган фаолият турлари ҳар бир гуруҳга алоҳида тақсимланади.





ДИҚҚАТ: Тикув машиналари ишчи органларини қисмларга ажратиш ва созлаш жараёнини бажаришда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Тикув машинаси созлаш, камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилаётган ҳаракатларни машинани ишлатиш бўйича йўриқномага мувофиқ бажарилишини текширишдан эринманг. Созлаш жараёнида пайдо бўлган камчилик ва нуқсонларни ўқитувчи ёрдамида бартараф этишга ҳаракат қилинг.






**Тикув ва трикотаж машиналари механизмларининг ишчи органларини
созлаш ва ўрнатиш амалий ишларини бажариш бўйича бўйича
технологик харитаси.**





№	Фаолият турлари	Асбоб-ускуна	Расмлар	Ишни бажаришда қўйиладиган талаблар
1	Игнани найча тутгичга нисбатан ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Игна 2 игна тутгичга шундай ўр-натиладики, унинг энг паст чекка ҳолатида игна кўзи пастки ярим найча тутгич 1 нинг тирқишидан кўриниб туриши керак
2	Игнани мокига нисбатан ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Агар ип тутгич 1 стерженининг вертикал ҳолати тўғри ўрнатиш бўлса, унда игнани энг пастки ҳолатидан 2,4 мм га кўтарганда моки учи игна ўқида жойлашган, игна кўзи моки учидан 1,5 мм пастда бўлиши керак
3	Игнанинг моки учига нисбатан ҳолатини созлаш	Созлаш асбоблари		Игна энг пастки ҳолатидан 1,8-2 мм кўтарилганда моки учининг пастки чети игна кўзининг юқори четидан 1,1мм баландда бўлиши керак
4	Игнанинг найча тутгич бармоғига нисбатан жойлашишини ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Меъёрдаги баҳя ҳосил бўлиши учун найчатутгич бармоғи 2 шундай ўрнатиш бўлиши керакки, унда игна ўқи 3 ва бармоқ чети орасидаги масофа 0,1-0,5 мм га бармоқ ва найчатутгич 1 орасидаги масофа 0,3-0,5 ммга тенг бўлиши керак




5	Моки баҳяли универсал тикув машиналарида игна ва мокининг жойлаш-шини соз-лаш	Созлаш асбоб-лари		Ҳалқани илиб олиш пайтида игна1 пастки чекка ҳолатидан тахминан 2 мм кўтарилганда игна кўзининг ўртаси билан моки 2 нинг биринчи учи орасидаги масофа 1,5-2 мм бўлиши керак
6	Синиқ баҳяқатор ҳосил қилувчи машина-ларда игна ва мокининг ҳолатини созлаш	Созлаш асбоб-лари		Синиқ баҳя қатор ҳосил қилувчи тикув машиналарида моки шундай ўрнатиладики, унда игнанинг ўрта ҳолати моки ўқи игнадан 2-3 мм га чапда жойлашсин
7	Айланиш ўқи вертикал жойлашган мокининг игнага нисбатан ҳолатини созлаш	Созлаш асбоб-лари		Игна ва мокининг тўғри ўрнатиш учун игна кўзининг ўртаси моки учидан 4,5 мм га пастда бўлади. Ҳалқани илиб олиш пайтида игна кўзининг ўртаси моки учидан 2,5 мм пастда (в) ва ипни илиб олишда моки учи игна ёнидан 0,1-0,15 мм ораликда бўлиши керак (d).

8	Бир ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда чалиштиргичнинг ҳалқани илиб олиш пайтидаги игнага нисбатан ҳолати ва энг чекка ҳолатини созлаш	Созлаш асбоблари		Бир ипли занжирсимон баҳяли тикув машиналарда чалиштиргич игнага нисбатан шундай ўрнатилиши керакки игна кўзидан чалиштиргич учигача бўлган А масофа, яъни машиналар турларига қараб 1-1,5мм; 2,5 мм; 4-4,5 мм бўлиши, Чалиштиргич учидан В масофада бўлган тикув машиналарида, А масофа 4-6 мм бўлиши керак
9	Тугма қадаш ярим автоматида игна ва чалиштиргични ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Тугма қадаш ярим автоматида игна ҳалқани илиб олиш ҳолатида, яъни чалиштиргич учи игна ўқида жойлашганда, учи четидан игна кўзигача бўлган масофа игнанинг ўнг ҳолати учи 3-3,2 мм ни (в), игнанинг чап ҳолати учун 1-1,2 мм ни (а) ташкил этиши керак.
10	Чалиштиргич ва игна орасидаги зазорни ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Ўқ йўналиши бўйича чалиштиргич учи игна ёнидан 0,1-0,2 мм ораликда ўтиши керак.

11	Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналар - да игнанинг юқориги ва остки ҳолатларида чалиштиргич учига нисбатан жойлаштириш	Созлаш асбоблари		Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил бўлишини таъминлаш мақсадида игнанинг чекка ҳолатида чалиш-тиргич учи игна ўқидан 5,5 мм масофада жойла-шиши; игна энг пастки чекка ҳолатдан 5,6 мм га кўтарилганда, чалиштиргич учи игна ўқидан 2,7-3 мм масофада жойлашиши керак.
12	Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда игна ва чалиштиргич ораси- даги тир-қишнинг ўрнатилиши	Созлаш асбоблари		Устки ва остки ҳалқаларни илиб олиш пайтида чалиштиргич учи игнадан 0,05-0,1 мм масофада ўтиши керак.
13	Текис баҳяли тикув машиналарида игна ва солиштиргичнинг ўзаро ҳолатини созлаш	Созлаш асбоблари		Текис баҳяли машинларда игнаюртгич пастки чекка ҳолатида чап игна кўзининг ўртаси игна пластинисининг юқори сиртидан 18 мм пастда, ўнг томондаги игна кўзининг ўртаси-игна пластинасининг юқори сиртидан 15 мм пастда жойлашган бўлиши зарур.
14	Текис баҳя ҳосил қилиб, трикотаж буюмларини тикиш машиналарида игна ва чалиштиргич орасидаги тирқишни ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Текис баҳяли машинада ҳалқани илиб олишда чалиштиргич учи игна ёнидан 0,1-0,15 мм ораликда ўтиши, чалиштиргичнинг пастки томони ҳаракат чизиғи билан 5° бурчак ҳосил қилиши керак.

15	Икки игнали йўрмаб тикиш машиналарида игнанинг устки ҳолатида ўрнатилиши	Созлаш асбоблари		Игнаюритгичнинг юқори ҳолатида игналар игна пластинасининг юқори сиртидан 9,2 мм масофада жойлашиши керак.
16	Йўрмаб-тикиш машиналарида игна юритгич стержени ва втулки орасида зазорни ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Бунда игнаюритгич втулки ва стержен фланеси орасидаги оралик 1,5 мм бўлади.
17	Икки игнали йўрмаб тикиш машиналарида чап чалиштиргич учининг игнага нисбатан созлаш	Созлаш асбоблари		Йўрмаш игнасининг чекка ҳолатида чап чалиштиргичнинг учи игна ҳаракат чизиғидан 4 мм ораликда жойлашиши керак.
18	Ўнг чалиштиргич учининг игналарга нисбатан созлаш	Созлаш асбоблари		Чап чекка ҳолатда ўнг чалиштиргичнинг учи ўнгдагига нисбатан 4,5 мм ораликда жойлашиши зарур
19	Тикиш чалиштиргичнинг игналарга нисбатан созлаш	Созлаш асбоблари		Бириктирувчи чалиштиргичнинг учи игнадан 3 мм ораликда жойлашиши зарур

20	Игна пластинаси ва тикиш чалиштиргич орасидаги тирқишни ўрнатиш	Созлаш асбоб- лари		Игнанинг юқори чекка ҳолатида игна пластинасининг пастки сирти ва бириктирувчи чалиштиргич орасидаги оралик 1-1,5 мм бўлади.
21	Чап ва ўнг чалиштир- гичларнинг ўзаро жойлаши- шини созлаш	Созлаш асбоб- лари		Чап ва ўнг чалиштиргичнинг ўзаро кесишиши пайтида улар шундай жойлашган бўлиши керакки, унда чап чалиштиргич кўзи четидан ўнг чалиш-тиргич контуригача бўлган масофа 0,2-0,3 мм атрофида бўлсин.
22	Ип тарангла- нишида ип йўналтиргич ва игналарнинг ўзаро ҳолатини созлаш	Созлаш асбоб- лари		Ипнинг узатилиши ва бахянинг ўз вақтида тортилиши игналар игна пластинасининг юқори сиртидан 2,5-3 мм кўтарилганда таъминланади. Ип узатгич шундай ўрнатилиши керакки, унинг кичик радиусли кулачокли сирти юқорида бўлсин.
23	Ўқи горизонтал жойлашган мокили машиналарда ипли найчани найча тутгичга ўрнатиш	Созлаш асбоб- лари		Икки ипли моки айланиш ўқи горизонтал жойлашган тикиш машиналарда ип ўралган найча, найча қопқоғига шундай ўрнатиладики, унда ип очилиш пайтида найча соат мили йўналишида айланиши керак.

24	Найча тутгични моки курилмасига ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Чап қўлнинг катта ва кўрсаткич бармоқлари билан найча қопқоғи ричаги 2 дан ушлаб, стержен 1 га кийдирилади.
25	Айланиш ўқи вертикал жойлашган мокили тикув машинасида найчани олиш тартиби	Созлаш асбоблари		Моки айланиш ўқи вертикал жойлашган машиналарда пастки ипни ўтказиш учун моки курилмасини ёриб турган сурилувчи пластина сурилади, игна энг юқори ҳолатни эгаллаши учун қўл билан маховни айлантрилади (иш томонга), найчатутгичнинг қопқоғи 1 кўтарилади ва бош найча 2 чиқариб олинади.
26	Найчани найча тутгичга ўрнатиш	Созлаш асбоблари		Найча қопқоғи орқали найчатутгичнинг марказий стерженига янги найча кийдирилади, сўнгра ипнинг учи найчатутгичнинг қийшиқ кесими 2 га ўтказилади, тарангловчи пружина 1 остидан тортилади ва расмда кўрсатилганидек, ташқарига чиқарилади

Ҳар бир ўқувчининг амалий ишлари қуйидагиларга асосланган ҳолда баҳоланиши керак:

- иш жараёнини режалаштириш;
- ишни тўғри бажариш;

- меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш;
- машина деталларига шикаст етказмасдан, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;
- топшириқни тўғри яқунига етказиш.

**IX. «Тикув ва трикотаж буюмларини тикиш машиналарини созлаш»
модулини ўтказиш бўйича кўрсатмалар
(12 ўқув соати)**

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчи (муҳандис-педагог)	Таълим олувчи (ўқувчи)
1	Ташкилий қисм (10 дақиқа)	Модулнинг мақсади ва баҳолаш мезонларини тушунтириш	Ўзлаштиради
2	Кириш йўриқно-маси (60 дақиқа)	Модул бўйича назарий ўқув материаллари ва созлаш ишларидаги техника хавфсизлиги қоидалари тушунтирилади	Ўзлаштирилади
3	Бажариладиган амалий ишлар (80 дақиқа)	Тикув машиналарида созлаш ишлари бажариб кўрсатилади	Ўзлаштиради ва амалий ишлаш кўникмасига эга бўлади
4	Модул бўйича бажариладиган амалий ишлар (540 дақиқа)	Назорат қилинади	Созлаш ишлари бажарилиб, кўникмалар ҳосил қилинади
5	Тест (30 дақиқа)	Ўқув машғулоти бўйича тест саволлари берилади ва баҳоланади	Ўзга жавоб берилади

X. Тест саволлари

- Игналарнинг қандай кўринишлари мавжуд бўлади?
 А) тўғри ва эгри
 В) тўғри ва ёйсимон
 С) эгри ва ёйсимон
 Д) тўғри, эгри ва қийшиқ
 Е) эгри, қийшиқ ва ёйсимон

2. Устки ипни остки ип билан машинанинг қайси ишчи органлари чалиштириб беради?
- A) игна
 - B) ип тортгич
 - C) моки
 - D) тишли рейка
 - E) тепки
3. Тишли-рейка қандай вазифани бажаради?
- A) газламани бир баҳя узунликка суради
 - B) ипни таранглайди
 - C) ипни узатиб беради
 - D) газламани икки баҳя узунликка суради
 - E) ипни чалиштириб беради
4. Тишли-рейка қайси траектория бўйлаб ҳаракатланади?
- A) тўғри чизик
 - B) эгри чизик
 - C) доирасимон
 - D) конуссимон
 - E) эллипсимон
5. Баҳяқатор сифати нимага боғлиқ бўлади?
- A) устки ипнинг сустлашувидан
 - B) остки ипнинг сустлашувидан
 - C) устки ва остки ипларнинг сустлашувидан
 - D) устки ва остки ипларнинг таранглик даражасидан
 - E) игнанинг материалидан

6. Тикув машиналари қачон созланади?
- A) йиғмасдан олдин
 - B) йиғилгандан сўнг
 - C) иш сменасидан сўнг
 - D) ишлаш пайтида
 - E) созланмайди
7. Тикув машиналарини қайси механизмдан бошлаб созлаш мақсадга мувофиқ?
- A) моки механизмининг
 - B) суриш механизмининг
 - C) тепки узелининг
 - D) ип тортгич механизмининг
 - E) игна механизмининг
8. Тикув машиналарининг таъмиридан сўнг асосий инкорлар нима сабабларга кўра юзага келади?
- A) иш органларининг нотўғри ўрнатилганлиги
 - B) ўлчамларнинг нотўғри танланганлиги
 - C) ишчи органларининг алмашиб кетиши
 - D) ишчи органларининг мойланмаганлиги
 - E) материаллари сифати пастлиги
9. Игна энг пастки ҳолатининг 1,8-2 мм кўтарилганда моки учининг пастки чети игна кўзининг юқори четидан неча мм баландда бўлиши керак?
- A) 3 мм
 - B) 5 мм
 - C) 1,1 мм
 - D) 2,1 мм

Е) 3,2 мм

10. Халқани илиб олиш пайтида моки учи игна ёнидан неча мм оралиқда ўтиши керак?

А) 2-2,5 мм

В) 2,5-3 мм

С) 1-1,5 мм

Д) 0,1-0,15 мм

Е) 3-3,5 мм

11. Ёпиқ баҳяқатор ҳосил қилувчи тикув машиналарида игнанинг ўрта ҳолатида моки ўқи игнадан қанча масофада ва қайси томонда жойлашиши керак?

А) 2-3 мм чапда

В) 2-3 мм ўнгда

С) 2-3 мм баландда

Д) 2-3 мм пастда

Е) 4-5 мм ўнгда

12. Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда игнанинг пастки чекка ҳолатида чалиштиргич учи игна ўқидан қанча масофада жойлашиши керак?

А) 1 мм

В) 2 мм

С) 3 мм

Д) 4 мм

Е) 5 мм

13. Игна ва ипларни танлаш нимадан боғлиқ бўлади?

А) игна диаметрига

- В) игна кўзининг кенглиги ва ип диаметрига
- С) игна ва ип диаметрига
- Д) игна материалига
- Е) ип материалига

14. Моки баҳяли тикув машиналарида моки учи қайси пайтда игна ипи ҳалқасини илиб олади?
- А) игна пастки ҳолатдан 5 мм кўтарилганда
 - В) игна пастки ҳолатдан 2-2,5 мм кўтарилганда
 - С) игнанинг энг пастки ҳолатида
 - Д) игнанинг энг юқори ҳолатида
 - Е) мокининг иккинчи айланишида
15. Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда устки ва остки ҳалқани илиб олиш пайтида чалиштиргич учи игнадан қанча масофада ўтиши керак?
- А) 2-3 мм
 - В) 2-2,5 мм
 - С) 0,05-0,1 мм
 - Д) 0,1-0,3 мм
 - Е) 0,3-0,5 мм

XI. Жихозлар, асбоб-ускуна ва маҳсулотлар ва кўргазмали материаллар:

- моделлар, макетлар, плакатлар
- моки баҳяли, занжирсимон баҳяли, йўрмаш тикиш, текис баҳя ҳосил қилиб тикувчи ва ярим автоматик тикув машиналари ва уларнинг алоҳида қисмлари;
- тикув машиналарини созлаш асбоб-ускуналари;
- газлама ва иплар;

Фойдаланиладиган кўшимча адабиётлар

1. Қ. Т. Олимов. «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари». Т., /офур /улом, 2002.
2. Олимов К.Т, Бафоев Д. Тикув ва трикотаж жиҳозларини ўрнатиш, ишлатиш ва таъмирлаш асослари. Т. Ўқитувчи 2004
3. Қ. Т. Олимов. «Тикувчилик саноати машина ва жиҳозлари». Электрон мултимедиа даслик. Ўзбекистон Республикаси Патент идорасининг RGU 2003 0127 рақамли гувоҳномаси. Тошкент. 2003.
4. Тикувчилик йўналиши бўйича ОТВ лойиҳаси доирасида келтирилган жиҳозларни ишлатиш. Ўқув материаллари. Т.2004.

I. Ўқувчиларнинг модулни ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари (100 балл асосида)

Баҳолаш варақаси							
Мавзунинг номи: Тикув ва трикотаж буюмларини тикиш машиналарини созлаш							
	Баҳоланувчининг исми-шарифи						
Баҳолаш мезонлари	1	2	3	4	5	6	7
1.Игнани найча тутгичга нисбатан ўрнатиш.							
2.Игнани мокига нисбатан ўрнатиш.							
3.Игнанинг мокига нисбатан ҳолатини созлаш.							
4.Игнанинг найтутгич бармоғига нисбатан жойлашишини созлаш.							
5.Моки баҳяли универсал тикув машиналарида игна ва мокини тўғри жойлаштириш.							
6.Синик баҳякатор ҳосил қилувчи машиналарда игна ва мокини тўғри жойлаштириш.							

7.Айланиш ўқи вертикал жойлашган мокининг игнага нисбатан ҳолатини созлаш.						
8.Бир ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда чалиштиргичнинг ҳалқани илиб олиш пайтидаги игнага нисбатан ҳолатини ва энг чекка ҳолатини созлаш.						
9.Тугма қадаш ярим автоматида игна ва чалиштиргичнинг ҳолатини созлаш.						
10.Чалиштиргич ва игна орасидаги тирқишни тўғри ўрналиш.						
11.Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда игнанинг юқориги ва остки ҳолатларида чалиштиргич учининг жойлашувини созлаш.						
12.Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилувчи машиналарда игна ва чалиштиргич орасидаги тирқишни ўрнатиш.						
13.Текис баҳяли тикув машиналарида игна ва чалиштиргичнинг ўзаро ҳолатини созлаш.						
14.Икки игнали йўрмаб тикиш машиналарида игнани устки ҳолатда ўрнатиш.						
15. Йўрмаб тикиш машиналарида игна юритгич стержени ва втулкаси орасидаги тирқишни ўрнатиш.						
16.Икки игнали йўрмаб тикиш машиналарида чап чалиштиргич игнага нисбатан тўғри жойлаштириш.						

17.Ўнг чалиштиргични игнага нисбатан тўғри жойлаштириш.							
18.Игна платинаси ва тикиш чалиштиргичи орасидаги тирқишни ўрнатиш.							
19.Чап ва ўнг чалиштиргични ўзаро тўғри жойлаштириш.							
20.Ўқи горизонтал жойлашган мокили машиналарда ипли найчани найтутгичга ўрнатиш.							
21.Найтутгични моки курилмасига ўрнатиш.							
22.Айланиш ўқи вертикал жойлашган мокили тикув машинасида найчани тўғри ечиб олиш.							
23.Найчани найтутгичга ўрнатиш.							
24.Кривошип-коромислоли иптортгич механизмли моки баҳяли тикув машиналарида устки ипни ўтказиш.							
25.Айланувчан ротацион ип тортгич тикув машиналарида устки ипни ўтказиш.							
Изоҳ: Ҳар бир саволга тўғри жавоб 3,6 балл, нотўғри жавоб -0 балл (Жами: 90 балл)							
26. Назарий билимларини бўйича тест натижаси (Жами: 10 балл)							
Натижалар							

III-БОБ. ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ЖИХОЗЛАРИ» ФАНИДАН НАМУНАВИЙ МОДУЛЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ПЕДАГОГИК САМАРАДОРЛИГИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

3.1. Намунавий модулларнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба синовларини ташкил этиш ва ўтказиш

Намунавий модуллари ёрдамида модулли методика асосида ўқитиш бўйича тажриба синов ишларини ўтказишдан олдин биз Республикамизда фаолият кўрсатаётган енгил саноат коллежларида ишлаётган 37 нафар махсус фан ўқитувчилари билан малака ошириш курсларида, касб хунар коллежларида ва семинарларда «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фанини ўқитиш бўйича анкета-саволлаштириш ўтказдик. Анкетага (3-илова) «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича ўқитиладиган «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» фани бўйича ўқув-услубий таъминот, улар томонидан қўлланилаётган фаол усуллар, анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш усуллари тўғрисида, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ва мустақил ишлаш ривожлантиришга қаратилган қандай метод ва усуллардан фойдаланилаётганликлари каби саволлар киритилди. Савол-жавоб натижалари шуни кўрсатдики, 64 % махсус фан ўқитувчилари анъанавий ўқитиш усулида дарс машғулотларини ўтказишади, яъни ўтилган мавзуни сўраш, янги мавзу баёни, мавзуни мустаҳкамлаш, баҳолаш. Ўқувчи фақат ўқитувчи берган мавзуни ёки ўқув материални ўзлаштиради. Бу усулда ташкил этилган дарс жараёнида ўқувчиларни мустақил билим олишларига кам эътибор берилади, ўқитувчининг ҳам мустақил ишлаши учун имконият йўқ. Натижада эса ўқувчининг мустақил ишлаш даражаси паст бўлади. Демак ўқитувчи ўқув жараёни марказида туради, ўқувчи эса тингловчи сифатида иштирок этади. Бугунги кунда таълимнинг ушбу шакли замонавий таълим талабларига жавоб бермайди. Фақатгина 22% махсус фан ўқитувчилари

ўқувчининг фаоллигини оширишга қаратилган усулларни ақлий ҳужум, ўйинлар, дарслик билан мустақил ишлаш, намойиш, муоммали ва индивидуал ишлаш каби усулларни қўллайдилар. 62 % ўқитувчилар «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» фани бўйича ўқув услубий таъминот етарли даражада эмаслиги ҳақида фикр билдирдилар. 16% ўқитувчилар, бундай ўқитиш тизими тўғрисида фикр билдира олмади, билдирсада анъанавий ўқитиш тизимини эслатади. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўқитиш технологиялари ва фаол усуллари кам қўлланилаяпти.

Тажриба синов ишлари ўтказиш учун ишлаб чиқилган модулли ўқув дастури, методик тавсиялар ва бошқа ишланмалар касб-ҳунар коллежлари махсус фан ўқитувчилари билан муҳокамалардан ўтказилиб, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар олинди.

«Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» фани бўйича модулли ўқитишни жараёнини ўтказиш учун биз томондан модулли ўқув материаллари ишлаб чиқилди (намунавий модул 2.3 параграфда ва 1-иловада келтирилган). Модулли ўқув материалида модул ўқув мақсади, модул якунида эгалланадиган билим ва кўникмалар, баҳолаш тури, назарий материаллар, техника хавсизлиги қоидалари, машғулотларни ўтказиш технологик харитаси, тестлар, тикув машинасини ишлатиш бўйича ўқувчи учун йўриқнома ва баҳолаш варақалари киритилган, яъни модулни мустақил ўзлаштириш учун барча ўқув материаллари берилган.

Тажриба-синов натижасини амалга ошириш учун Хоразм вилояти Ургенч енгил саноат коллежи директори рухсати билан тажриба-синов ишларини ўтказиш масалалари ҳал этилган.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилди ва режалаштирилди:

- «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича назорат ва тажриба-синов гуруҳлари танланди;

- тажриба синов ишлари бўйича «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фанидан махсус фаннини модулли методика асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича модулли ўқув дастури, ўқув материаллари, тарқатма материаллар, ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар билан таъминланди ва тестлар, анкеталар, модули ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди;
- тажриба-синов ўтказиладиган касб-хунар коллежларида махсус фан ўқув хоналарининг, устахоналарининг моддий-техник жиҳозланиши, ўқув-услубий таъминотининг қандай даражадаги ўрганилди. Тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланди;
- танланган тажриба-синов коллежларида «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фанини модулли ўқитиш жараёни ташкил этиш, йўлга қўйиш ва амалга ошириш мазмунини ўрганиш;
- тажриба-синов ишларида иштирок этаётган назорат ва тажриба синов гуруҳларда «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фанини модулли ўқитиш ва анъанавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш, ўқитишни ташкил этиш бўйича педагогик фаолиятига оид йўлга қўйиш бўйича турли тавсиялар, йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш;
- «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» фанидан ўқувчиларнинг модулни ўрганиш бўйича муносабатларни ўрганиш.

Тажриба – синов ишларини олиб боришда олинган натижаларни самаралилигини, ўқувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолашда Хоразм вилояти Ургенч енгил саноат касб-хунар коллежида иккитадан параллел тажриба синов ва назорат гуруҳларида модулли ўқитиш жараёнида модули ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланиб, уларнинг самарадорлиги назарий асосланиб амалий жиҳатдан исботланди. Бунинг учун аввало ўқувчиларни талаб ва эҳтиёжларига биноан модулли ўқув дастури, ишлаб чиқариш мазмунидаги муаммоли вазиятлардан фойдаланиб, ўқув материаллини долзарблаштириш, мустақил ишлаш, онгли муносабат ва фаол фикрлашга мажбур этувчи педагогик шарт-шароит яратишни кўздла тутилган эди.

Назорат гуруҳларида ўқитиш жараёни амалдаги анъанавий ўқув дастури ва методикасига биноан амалга оширилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида биз таклиф этган модулли ўқитиш методикаси фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг натижалари мунтазам таҳлил этилди ва бир-бирига қиёсланиб, хулоса чиқарилди. Зарур бўлган ҳолларда бу жараёнда бевосита иштирок этувчи ўқитувчилар ва экспертлар томонидан билдирган фикр-мулоҳазалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўқувчиларнинг билими, касбий маҳорати даражаси амалий масалаларни мустақил ҳолда ижобий ечимини топишларини, ўрганилаётган объект (предмет, жараён, ҳодиса, шахс) ларнинг моҳиятини англаб, мақбул равишда таҳсил олувчиларнинг мулкига айлантириш қобилиятлари орқали аниқланди. Ўқувчиларда шаклланган билимларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашда ҳақиқийлик, объективлик, ишонччилик, диагностик баҳо, балл бериш, ёзма топшириқлар мезон сифатида фойдаланилди.

Юқорида баён этилган тартибда биз назарий ва тажриба-синов гуруҳлари бўйича қуйида жадваллар ва гистограммалар ҳамда методик статистик бўйича эксперимент натижаларини берамиз.

3.2. Тажриба-синов ишларининг бориши ва олинган натижалар таҳлили

Биз касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни модулли методика асосида ўқитиш орқали таълим самарадорлигини оширишни кузатдик. Бунинг учун 2 йил мобайнида Хоразм вилояти Ургенч енгил саноат касб-ҳунар коллежида назорат ва тажриба синов гуруҳларида тадқиқот кузатув ишларини олиб бордик.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида қуйидаги ишлар режалаштирилди ва амалга оширилди. Ушбу тажриба-синов ишларида 2 нафар махсус фан ўқитувчиси ва 132 нафар ўқувчи иштирок этди.

Ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари қуйидаги 2.1- жадвалда келтирилган. Тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлаш учун математик-статистик усулдан фойдаландик.

Тажрибаларда олинган натижаларни ишлаб чиқишда бир қаторнинг частоталари билан бошқа қаторнинг частотасини таққослаш, назарий частоталар билан тажрибавий қатордаги фарқни тасодифий ёки тасодифий эмаслигини аниқлае лозим бўлади. Бунинг учун машҳур инглиз статисти К. Пирсон томонидан таклиф этилган “Хи квадрат” (χ^2) мезони ёки мувофиқлик мезонидан фойдаландик.

Бунда назорат ва тажриба гуруҳлари берилган бўлиб, улар қуйидаги формулага таяниб озодлик даражалари сони аниқланади.

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^k \frac{(f_{\text{э}} - f_m)^2}{f_m}$$

$f_{\text{э}}$ – тажриба-синов гуруҳидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари (частотаси);

f_m – назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари (частотаси);

k – белгиларнинг миқдори.

Биз умумий ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражасини χ^2 коэффициентига таяниб асосладик.

3.1-жадвал

Анъанавий ўқитиш усули асосида таълим олган назорат гуруҳи ва модулли ўқитиш методикаси асосида таълим олган тажриба-синов гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Назорат гуруҳи Ўқувчилар сони (пк62)				Тажриба-синов гуруҳи Ўқувчилар сони (пк70)			
Баҳолар	“2”	“3”	“4”	“5”	“2”	“3”	“4”	“5”
Ўқувчилар сон	n = 8	n = 22	n = 20	n = 12	n = 5	n = 19	n = 26	n = 20

Ўзлаштириш Кўрсаткич- лари %	12,90	35,48	32,25	19,35	7,14	27,14	37,14	28,57
---	-------	-------	-------	-------	------	-------	-------	-------

$$x_{\text{эмп}} = \sum_{i=1}^k \frac{(f_i - fm)}{f_m} = \left(\frac{(7,14 - 12,90)^2}{12,90} + \frac{(27,14 - 32,25)^2}{32,25} + \frac{(37,14 - 32,25)}{32,25} + \frac{(28,57 - 19,35)}{19,35} \right) = 8,5$$

$$v_k(k-1)(c-1) = (4-1)(2-1) = 3 \cdot 1 = 3$$

$$x_{\text{эмп}}^2 = 8,5$$

$$x_{\text{крит}}^2 = 7,81$$

$$x_{\text{эмп}}^2 > x_{\text{крит}}^2$$

$$p \leq 0,05$$

V=эркинлик даражаси;


k-ўрганилаётган белгиланган (баҳолар);

c-қийёсий тақсимот миқдори.

K=4га, c=3га. шунга кўра $v=(k-1)(c-1)=(4-1)(2-1)=3 \cdot 1=3$

Натижаларни математик-статистик усул ёрдамида қайта ишлашимиз шундан далолат берадикиб, $x_{\text{кр.}}^2$ коэффиценти (7,81) $x_{\text{эм.}}^2$ Коэффициент (8,5) кўрсаткичидан кичик эканлиги аниқланди. Бу эса $x_{\text{эм.}}^2$ кўрсаткичи махсус жадвалга кўрсаткич билан солиштирилганда $p < 0,05$ ишончилилик оралиғида ётишидан далолат беради.

Тажриба-синов ва назорат гуруҳи ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни қуйидаги гистограммада ифодаланган.(3.1-расм).



3.1-расм. Назорат гуруҳи ва модулли ўқитиш методикаси асосида таълим олган тажриба-синов гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Юқорида келтирилган 3.1-расмдан кўриниб турибдики, касб-хунар коллежларида кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли методика асосида ўқитиш куйидаги самарадорликка эришишга олиб келади: тажриба-синов гуруҳларида “аъло” баҳога ўхлаштириш даражаси ўртача 28,57% н (назорат гуруҳларини нисбатан 9,15 % га кўп), “яхши” баҳога ўзлаштириш даражаси 37,14% (назорат гуруҳига нисбатан 4,75% га кўп) ташкил этган бўлса, “қониқарли” баҳо олган ўқувчилар сони 27,14 % ни (назорат гуруҳига нисбатан 8,34 % га кам), “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчилар сони ўртача 7,14 % ни (назорат гуруҳига) нисбатан 5,76 % га кам) ташкил этади. Демак, мазкур статистик маълумотлар биз томондан ишлаб чиқилган ав амалиётда синаб кўрилган модулли ўқитиш методикаси ҳамдм фаол ўқитиш усуллари амалдаги анъанавий ўқитиш методикасига нисбатан самарали деган хулосага келишимизга асос бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби.- Тошкент: Ўзбекистон, 1997.- 222 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент: Шарқ, 1999.-15 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.- Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- 261 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йилнинг 21 майдаги ПФ-3431-сонли фармонини бажариш юзасидан Вазирлар маҳкамасининг қарорлари.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида». Тошкент: 1997 й., 6 октябр.
7. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси. Тошкент: Шарқ, 2002.- 20 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарори, 1998 йил 5 январ, «Узлуксиз таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида».
9. Авлиёкулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси.- Тошкент: Янги аср авлоди. 2005. - 87 б.
10. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияларнинг амалий асослари.-Бухоро:Муаллиф,2001.-98 б.
11. Аллаёров И.А. Дидактические основы активного обучения.: Автореф. дисс...докт. пед. наук - Т.: 1994. – 44 б.
12. Альмуханбетов Б.А. Как мы видим современный учебник // Учебник третьего тысячелетия: Материалы III Международной научно-

практической конференции. 5-7 июня 2003.– Алматы, Атамұра, 2003. 91 б .

- 13.Алешков М.Ю. Содержание образования: Проблемы формирования и проектирования // Ж. Педагогика,- 2004.- №6.- Б. 31-38.
14. Аскарлов Е.С. Учебные пособия о научной работе // Учебник третьего тысячелетия: Материалы III Международной научно-практической конференции. 5-7 июня 2003.– Алматы, Атамұра, 2003. – 76 б.
- 15.Ашурова С.Й. Махсус фанларни модулли ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш // Касб-хунар таълими.- 2004.- №5.
- 16.Барболин М.И. Методологические основы развивающего обучения. М.: Высшая школа, 1991. – 230 б.
- 17.Беспалько В.П. Теория учебника Дидактический аспект. М.: Педагогика, 1988. –26 б.
- 18.Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. М.: Педагогика, 1989. – 192 б.
- 19.Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.: ИТПИМИО, 1995. –169 б.
- 20.Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учебное пособие.- Екатеринбург: 1998. - 26 б.
- 21.Гарднер Говард. Индивидуальный подход в образовании развивает многообразие // Перспективы: сравнительные исследования в области образования. М.:ОООИНПРАЙС, 1998.- № 3.-Б – 11-12.
- 22.Галиев Т.Т. Системный подход к интенсификации учебного процесса. Дис.... док. пед. наук. – Караганда.: 2002. – 50 б.
23. Гиппенрейтер. Ю. Ученик и учебники: не сошлись характерами // Семья и школа,-1999.- №9.
- 24.Гребенев И.В. Дидактика предмета и методика обучения // Педагогика,- 2003.- №1.- Б – 45-46.

- 25.Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. М.: Народное образования, 2000. –240 б.
- 26.Жером Бендэ. Каким должно быть образование в XXI веке // Перспективы сравнительные исследования в области образования. М.: ООИИПРАЙС . Том XXXII. 2000. - №4.- Б. 5-16.
- 27.Жўраев Р.Х. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини шакллантириш ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари. // Касб-хунар таълими.- 2000.- №1. - 36 б.
- 28.Зимин В.Н. Модульный подход к профессиональному образованию // Профессиональное образование.- 2001.- №10.- Б. 14-16.
- 29.Б.Зиёмухаммадов.,Ш.Абдуллаева. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт. Т.: Абу Али ибн Сино, 2001. Б. 20-21.
- 30.Ибатулина Л.Ф. Технология модульного обучения // Профессиональное образование. -2002.- №4.- Б.11-12.
31. А.Икромов. Дарсликларнинг янги авлоди: уларни яратиш қай даражада. «Маърифат» газетаси. 2005 йил 19 январ сони.-11б
- 32.Иноятов У.М. Таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш // Касб-хунар таълими.- 2004.- №1.-Б. 3-4.
- 33.Ишанов П.З. Дидактические основы учебно-методического комплекса подготовки специалистов сельскохозяйственного профиля. Дис...канд. пед.наук- Ташкент.: ИРССПО, 2002 .- 43 б.
- 34.Караев Ж.А. , Нурахметов Н.М., Дуйсенбаев Б.М., Жадрин М.Ж. – Дидактические требования к работе и экспертизе программ, учебников и УМК. Алматы.: РИК КАОим. Алтынсарина, 2000 . – 54 б.
- 35.Кларин М.В. Инновационные модели учебного процессов современной зарубежной педагогики. Дис... докт. пед. наук – М.: 1994. -346 б.
- 36.Комеников А.А., Эйделькант В.И. Профессиональные учебные заведения и пути адаптации в современных рыночных условиях. М.: Образования, 1991. -195 б.

37. Jacques Delors, Issues for the 21st Century. Организовано подразделением ЮНЕСКО по анализу и прогнозированию 6 ноября 1999 года на тему: "Towards a Global Contact?)"
38. Joseph Rosenbloom, On U.S. campuses, a rush to click on to computerized learning, International Herald Tribune, 11 February 1997; New York Times, 15 October 1997; University of Phoenix; [http://www. Uophx. Edu](http://www.Uophx.Edu), January 2000.
39. Jerome Binde, Complexite et crise de la representation, Representation et complexite (второе заседание по Повестке тўсячелетия, Educam/UNESCO/ISSC, Rio de Janeiro, 1997)/ [http://firewall. Unesco. Org/eng/unescopress/97-110 e.htm](http://firewall.Unesco.Org/eng/unescopress/97-110e.htm).
40. Claude Allegre. Речь на пресс-конференции, посвященной партнерству в области образования и культуры, 9 апреля 1999 года.

Модул бўйича намунавий амалий машғулотлар тузилмаси

Йўналиши: Тикувчилик ишлаб чиқариш

Фан: Тикувчилик корхоналари жиҳозлари

2-Модул: Моки баҳяли тикув машиналари

Амалий машғулот: Икки игнали моки баҳяли тикув машинаси тузилишини ўрганиш, устки ва остки ипларни тақиш ва тикув жараёнини бажариш.

1. Амалий машғулот вазифалари.

1. Икки игнали тикув машиналарининг тузилишини ўрганиш
2. Икки игнали моки баҳяли тикиш машинасига устки ипни тақиш.
3. Машинада остки ипни тақиш.
4. Газламага мувофиқ ип ва игнани танлаш
5. Тикув машинасига игнани ўрнатиш ва мокига нисбатан созланишларини бажариш
6. Икки игнали моки баҳяли тикув машинасида тикув жараёнини бажариш.

1. Ўқувчининг ўқиш натижалари.

Машғулотнинг охирига келиб, ўқувчи бажариш кўникмалари бўйича қуйидаги билимларга ва кўникмаларга эга бўлади:

1. Икки игнали моки баҳяли тикиш машиналарида бажариладиган жараёнларни таърифлаб бера олиш.
2. Икки игнали моки баҳяли тикиш машиналари бир-биридан фарқлай олиш.

- 3 Машинада устки ипни тақиш
- 4 Машинада остки ипни тақиш.
- 5 Газламага мос келадиган игна ва ип танлай олиш.
- 6 Тикув машинасига игналарни тўғри ўрната олиш ва мокига нисбатан созланишларини бажариш
- 7 Икки игнали тикув машиналарида устки ва остки ип тўғри тақилганлигини текшириб билиш.
- 8 Тикув машинасида тикиш жараёнини бажариш
- 9 Тикув машинасини ишлатиб, иш жараёнида техника хавфсизлигига риоя қилиш.

2. Амалий машғулотлар ўқитувчиси томонидан ўқувчиларга бериладиган умумий маълумотлар.

1. Икки игнали моки баҳяли тикиш машиналарини вазифалари ва уларни турлари ҳақида қуйидаги маълумотлар:

Икки игнали тикув машиналари асосан «Пфафф», «Дюркопп», «Жуки», «Орша» фирмаларида катта ҳажмда ишлаб чиқарилади. Бу машиналар турли қалинликдаги кўйлақлик ва костюмбоп материаллардан тикиладиган буюм деталларини иккита паралел моки баҳяқаторини юритиб тикишга мўлжалланган. Икки игнали тикув машиналарида турли мосламларни қўллаб тикиш имконияти яратилган. Игналар орасидаги масофа 0 дан 12 мм.гача бўлиши мумкин.


Икки игнали тикув машиналари игналар, иптортгич, мокилар, газламани суриш механизмлари, ҳамда тикиш жараёнини бошқариш, ўзгартириш ва сифатини назорат қилишга мўлжаллаган автоматик бошқарув системаларидан тузилган. Барча фирмаларнинг икки игнали тикув машиналари механизмларининг

тузилиши ишлаш принциплари ўхшаш бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқини техник ва технологик кўрсаткичларида қараб аниқлаш мумкин.

Устки ва остки ипларни тақиш тартибини 1-рasm а, да келтирилган тикув машинаси мисолида кўриб чиқамиз. Иплар йўналтиргичлар 11 ва 12 дан ўтказилиб, юқоридан пастга бурчаклик 13 тешикларидан олиб ўтилади. Сўнгра иплар таранглаш қурилмаси шайбалари орасидан олиб ўтилиб, таранглагич 15 нинг ариқчасидан киритилади ва иптортгич пружинаси 16 дан ўтказилади. Ипйўналтиргич пластинаси остидан кейин иптортгич 10 кўзидан, ип йўналтиргичлар 8 ва 9 лар дан олиб ўтилиб игнаюритгич 7 дан ўтказилиб игналар 5 ва 6 лар кўзига тақилади. Ипга тўлдирилган найча 1 (2 расм,б) пластина 2 кўтарилиб найчаушлагич 3 га ўрнатилади. Остки ип тишли рейка тешигидан чиқарилгандан кейин ип пластинасимон пружина 4 ёрдамида тарангланади.

Изоҳ; Тикув машинасида тикиш жараёнини бажариш давомида иш вақтида ип бериш, игна ва мато суриш механизмларига бармоқларни яқин тутманг. Машинани қуйидаги ҳолларда электр таъминотидан тўла узинг:

- иш якунида;
 - машинада иплар ва игналарни алмаштиришда;
 - электр токи ва кучланишда узилиш ва тебранишлар катта бўлганида;
 - машина кабелини тўғридан тўғри розеткага уланг, узайтиргич ва тақсимлагичлар орқали уланганида машинани ишлатманг;
 - тикув машинаси созлаш, камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилаётган ҳаракатларни машинани
-
- ишлатиш бўйича йўриқномага мувофиқ бажарилишини текширишдан эринманг;
 - машинада пайдо бўлган камчилик ва нуқсонларни ўқитувчи ёрдамида асосида бартараф этишга ҳаракат қилинг.



1- расм. Икки игнали тикув машинасига устки ва остки ипларни тақиш

2. Қўлланиладиган жиҳозлар ва асбоблар.

1. Икки игнали моки баҳяли тикиш машиналаридан бири.
2. Турли рангдаги ип ғалтаклари
3. Газлама
4. Газлама қалинлигига мувофиқ игна.
5. Пинцет ва созлаш асбоблари

5. Ўқитиш бўйича таклифлар.

1. 3-бўлим юзасидан асосий маълумотларни ўқувчилар билан ўртоқлашинг, бу жараёни ўқувчиларнинг билимини ўзлаштиришлари учун кўмак сифатида маъруза ва

муҳокамалар кўринишида, шунингдек икки игнали тикув машинасидан ва схемалардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

2. Ўқувчиларга тикув машинасини ишга тушириш тартибини тушунтирилади.
3. Ўқувчиларга устки ва остки ипни қай тартибда тақилишини тикув машинасининг ўзида кўрсатилади.
4. Ўқувчилар ўқитувчи кўрсатган ишни такрорлаб, яъни машинада остки ва устки ипни тақиб кўрсатишлари керак.
5. Ўқувчилар бу жараёни тўғри бажаришлари керак.
6. Ўқувчиларга икки игнали тикув машинасида тикиш жараёнини намойиш этилади.
7. Ўқувчилар машинада тикиш жараёнини бажариб билишлари керак.

6. Ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш учун йўл-йўриқлар.

Назорат саволлари.

1. Икки игна моки баҳяли тикув машиналарини ишлаб чиқарадиган қайси машинасозлик корхоналарини биласиз?
2. Икки игнали моки баҳяли тикув машиналари қайси асосий механизмлардан тузилган?
3. Икки игнали тикув машиналарида чап ва ўнг игналари қандай ўрнатилади?
4. Газламага мувофиқ игналар ва иплар қандай танланади.
5. Устки иплар таранглиги қандай созланади?
6. Икки игнали тикув машиналарини ишлатишда қандай техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинади?

Юқорида келтирилган ҳар бир саволга жавоб, ўқитувчи томонидан баҳоланади.

7. Амалий ишлар.

Ўқувчиларни икки игнали тикув машинаси билан таъминланади. Ўқувчиларни тўрттадан ошмаган гуруҳларга ажратиб, қуйида келтирилган топшириқларни ҳар бир гуруҳга алоҳида тақсимланг.

1. Машинага остки ипни тақиш.
2. Машинага устки ипни тақиш.
3. Машинани ишга тайёрлаш.
4. Газламага мувофиқ ип ва игна танлаш, ҳамда моки баҳяси ҳосил бўлиш жараёнини кузатиш.
5. Машинада тикув жараёнини бажариш ва баҳя сифатини текшириш.

Ҳар бир топшириқ ўқитувчи томонидан баҳоланади. Ҳар бир гуруҳни қуйидагиларга асосланган ҳолда баҳоланиши керак:

- иш жараёнини режалаш;
- ишни тўғри бажариш;
- меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш;
- машинага шикаст етказмасдан, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;
- топшириқни тўғри якунига етказиш.

Топшириқ.

Қуйидаги расмда келтирилган икки игнали тикув машинаси игна ва иптортгич механизмларининг вазифаларини ва рақамланган қисмларининг номларини ёзинг. (Механизмлар расми кўрсатилган топшириқ ўқитувчи томонидан ўқувчиларга тарқатилади).

1. Игна механизми вазифаси

Қисмларининг номлари

2. Иптортгич механизми вазифаси

Қисмларининг номлари

Илова – 2

**«Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари» дарслиги билан
ўқувчиларни мустақил ишлашдаги билимларини**

баҳолаш учун

ТЕСТЛАР

**(«Тайёрлов ва бичиш ишларида қўлланиладиган жихозлар» боби
бўйича)**

1. «Силуэт – Р» машинаси қандай ишларни бажаришга мўлжалланган?

А)ЭХМ да ёки бошқа қурилмада ҳисоблаб олинган андазаларни ёки андазалар жойлашмасини исталган масштабда чизиб беради;

В)картон ёки қоғоздан ясаладиган андазаларни табиий катталиқда ёки исталган катталиқда қирқиш учун;

С)андазаларни табиий катталиқда ёки керакли масштабда чизиб чиқаради;

Д)андазалар юзасини ўлчаш учун;

Е) андазаларни қирқиб, қирқимлар юзасини ўлчаш учун

2. ИЛ-2 машинаси қайси ишлар учун ишлатилади?

- . А) андазаларнинг юзасини контактсиз ўлчаш учун;
- В) газламаларнинг энини ўлчаш учун;
- С) газламаларнинг нуқсонларини аниқлаш учун;
- Д) газламаларнинг узунлигини;
- Е) андазалани қирқиб тайёрлаш учун

3. Газламани қандай тушаш усуллари мавжуд?

- А) ўнгини юқорига қаратиб яланг қават;
- В) кетма-кет;
- . С) ўнгини пастга қаратиб яланг қават;
- . Д) параллел;
- Е) юзма-юз.

4. Газламанинг эни ва узунлигини ўлчаш машиналарига қандай талаблар қўйилади?

- А) ўлчаш аниқлиги;
- В) ўлчаш унумдорлиги;
- . С) нуқсонларни аниқлаш;
- Д) материалнинг тезлиги ошиб кетмаслиги;
- Е) турли қалинликдаги материални ўлчаш имкони.

5. Замонавий бичиш усулларига қайсилар киради?

- А) механикавий;
- В) термомеханикавий;
- С) термофизик;
- Д) лазер нури ва электр учқуни ёрдамида;

Е) валиклар ёрдамида ва сирпантириб бичиш усули.

6. Қўзғалувчан пичоқли бичиш машинасининг, дискли пичоқли бичиш машиналаридан фарқи?

А) конструктив тузилишида;

В) пичоқлар кўринишида;

С) меҳнат унумдорлигида;

Д) пичоқлар тезлигида;

Е) пичоқлар конфигурацияси ва механизмлари тузилишида.

7. CS-529 16-1-42-К бичиш машинасининг пичоқ қалинлиги ва ҳаракат йўли қанчага тенг?

А) пичоқ қалинлиги 0,7 мм, ҳаракат йўли 26 мм;

В) пичоқ қалинлиги 0,8 мм, ҳаракат йўли 28 мм;

С) пичоқ қалинлиги 1 мм, ҳаракат йўли 24 мм;

Д) пичоқ қалинлиги 0,5 мм, ҳаракат йўли 2 мм;

Е) пичоқ қалинлиги 0,6 мм, ҳаракат йўли 18 мм.

8. Диск пичоқли бичиш машинаси қирқиш органи диаметри ва қалинлиги қанча?

А) қирқиш органи диаметри 120 мм, қалинлиги 1,1 мм;

В) қирқиш органи диаметри 100 мм, қалинлиги 1,0 мм;

С) қирқиш органи диаметри 90 мм, қалинлиги 1,2 мм;

Д) қирқиш органи диаметри 130 мм, қалинлиги 1,4 мм;

Е) қирқиш органи диаметри 140 мм, қалинлиги 1,6 мм;

9. Андазалар юзасини ўлчаш машиналарида турел вали тўлиқ бир айланишда қанча юза ўлчанади?

А) 320 см^2 ;

В) 300 см^2 ;

С) 340 см^2 ;

Д) 280 см^2 ;

Е) 360 см^2 .

10. Андазалар қандай материаллардан тайёрланади?

А) қалинлиги 0,9-1,2 мм бўлган қаттиқ пресси́пат кардонли;

В) қаттиқ қоғоздан;

С) қалинлиги 1-2 мм бўлган картондан;

Д) қалин материалдан;

Е) қалинлиги 0,1 мм бўлган юпка металдан.

6-илованинг давоми

«Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» дарслиги билан
ўқувчиларни мустақил ишлашдаги билимларини баҳолаш учун

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

**(«Тайёрлов ва бичиш ишларида қўлланиладиган жиҳозлар» боби
бўйича)**

Назорат саволлари

1. Андазалар қандай материаллардан тайёрланади?
2. "Силуэт" технологик комплекси қандай ишларни бажаришга мўлжалланган?
3. "Силуэт"-Р машинасининг асосий ишчи асбоби нима? Унинг тузилиши қандай?
4. Нуқсон топиш ва газламаларнинг энини, ҳамда узунлигини ўлчаш машинасининг ишлашини қисқача баён этинг?
5. Газламаларни тўшашнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Механизациялаштирилган тўшаш комплексида технологик жараён қандай бажарилади?
7. Тикувчилик саноатида бичишнинг қайси усуллари кенг қўлланилади?

8. Газламаларни электр учқуни билан бичиш усулини қисқача баён этинг?
- 9.Тикувчилик саноатида газламаларни универсал усулда бичишда қандай машина ва ускуналар қўлланилади?
- 10.Диск пичоқли ва вертикал пичоқли бичиш машиналарининг бири-биридан конструктив фарқи нимада?
11. Лента пичоқли машиналарнинг қайси турларини биласиз?
- 12.Лента пичоқли бичиш машиналарининг конструктив хусусиятлари нималардан иборат?

АНКЕТА САВОЛЛАРИ

Енгил саноат йўналишининг “Тикувчилик ишлаб чиқариш” йўналишидаги Тикувчилик корхона жиҳолари махсус фанини ўқитиш технологияси бўйича

1.Ўқитувчининг И.Ш _____

2.Мутахассислигингиз ва дарс бераётган фанингизнинг номи

3.Тикувчилик корхона жихозлари фанининг мавзулари бўйича қандай қўшимча ўқув материалларингиз мавжуд?

4.Дарс жараёнидаўқитишнинг қандай фаол усулларидан фойдаланасиз?

5.Анъанавий ўқитиш деганда қандай усулни тушунасиш?

6.Анъанавий ўқитиш технологияси деганда нимана тушунасиш?

7.Анъанавий ўқитиш технологияси бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ҳақидаги фикрингиз?

8.Бугунги кунда яна қандай дарс ўқиш усулларида фойдаланаяпсиз?

9.Ноанъанавий ўқитиш усули деганда қандай усулни тушунасиз?

10.Ноанъанавий ўқитиш усул орқали сизга тақдим этилган материаллар сифати ва барча мавзуларни қамраб олганлиги ҳақида сизнинг фикрингиз?

11.Бугунги кунда дарс жараёнини ташкил этиш бўйича яна қандай дидактик ва услубий қўлланмалардан фойдаланаяпсиз?

12.Таълим бериш жараёнида модулли ўқитиш технологиясини қайси усуллари кўпроқ самара беради?

13.Ўқувчиларни билим даражасини ошириш учун яна қандай қўшимча жихозлар, қўлланмалар бўлишини хоҳлар эдингиз?

14.Ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш учун қўшимча ўқув воситалари мавжудми, ёки фанлар бўйича нималар бўлишини хоҳлайсиз?

15. Сизнинг фикрингизча ноанъанавий дарс ўтиш жараёнида қандай ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиш зарур?

16. Ўқувчиларнинг ижобий фикр юритиш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган қандай метод ва усуллардан фойдаланаяпсиз?

Таълим муассасининг номи: _____

Тўлдирилган сана: _____

Ф.И.Ш. _____

(имзо)

Илова-4

«ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ» ФАНИНИНГМОДУЛЛИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тайёрлов йуналиши: «Тикувчилик ишлаб чиқариш»

Ўқув фани: Тикувчилик корхоналари жиҳозлари

Фаннинг мақсади: Ўқувчиларда тикув машиналарининг белгиланиши, турлари ва ишчи органлари ҳамда механизмлари, баҳялар ва баҳяқаторлар, машина игналари ҳақида умумий тушунчалар ҳосил қилиш, тикув машиналар, ярим автоматлар, тайёрлов ва бичиш

жиҳозларини ҳамда маҳсулотларга иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш ускуналарида технологик жараёнларни бажариш, уларни ишлатиш, созлаш ишларини бажариш бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилиш. Меҳнат ва техника хавфсизлиги қоидаларини билиш ва риоя қилиш.

Фаннинг мазмуни:

- Тикув машиналари ҳақида умумий маълумотлар
- Тўғри моки баҳяқатор ҳосил қилиб тикиш машиналари
- Синик баҳяқатор ҳосил қилиб тикиш машиналар
- Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикиш машиналари
- Йўрмаш тикиш машиналари
- Яширин баҳяли тикув машиналари
- Махсус ярим автоматик тикув машиналари
- Нам ва иссиқлик билан ишлов бериш ва дазмоллаш ускуналари
- Тайёрлов ва бичиш ишларида қўлланиладиган жиҳозлари

Фанни уқитиш давомийлиги – 60 соат

Модулар бўйича уқув соатларининг тақсими

Модул Т/Р	Модул номи	Соатлар	
		Назарий	Амалий
1	Тикув машиналари ҳақида умумий маълумотлар.	6	2
2	Моки баҳяқатор ҳосил қилиб тикиш машиналари.	6	8
3	Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикиш машиналари.	6	8
4	Махсус ярим автоматик тикув машиналари	8	8
5	Маҳсулотларга нам-иссиқлик билан ишлов бериш жиҳозлари ва дазмоллаш ускуналари.	4	4
	Жами	30	30

1.-модул: Тикув машиналари хақида умумий маълумотлар.

1.1. Модул мақсади: Ўқувчиларда тикув машиналарининг ривожланиш тарихи, жаҳон миқёсида тикувчилик машинасозлиги, тикув машиналарининг белгиланиши тикув машиналарининг сифати ва пухталиги тикув, машиналарининг турлари, тикув машиналарининг асосий ишчи органлари тўғрисида умумий тушунчалар ҳосил қилиш.

1.2. Ўқув мақсадлари ва баҳолаш тури. Ушбу модулни муваффақиятли тугатгандан сўнг талабалар қуйидагиларни билиши ва уддалай олиши керак:

N	Ўзлаштирила- ган ўқув материаллари	Услубий таъминот	Модулни узлаштириш-га қуйи-ладиган талаблар	Баҳо- лаш тури
1.	Тикув машина- ларининг ривож ланиш тарихи. Жаҳон миқёси- да тикувчилик машинасозлиги	<u>Берилган:</u> Саволлар ёзилган варақа. Дастлабки тикув машиналари схемалари ва расмлар. «Римольди» (Италия), «Жуки» (Япония) , «Дюркопп-Адлер» фирмалари тикув машиналарининг расмлари ва схемалари	Берилган савол ларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилинади.	Н
2.	Тикув машиналарининг белгилани ши.	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Ма- шиналарнинг техникавий ва технологик параметрла рини аниқлаш бўйича схематик жадваллар.	Берилган саволларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилинади. Тикув машиналари белгилари орқали уларни фарқлаш ва параметрлар ни аниқлаш	Н
4.	Тикув машиналари нинг сифати ва пухталиги.Эсте тика ва эргономика.	Берилган: Саволлар ёзилган варақа.Тикув машиналарининг пухталиги ва умрбо- қийлиги ва таъмир-лаш	Берилган саволларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб	Н

		муддатлари тас- вирланган жадваллар ва схемалар.	қилинади	
5.	Тикув машиналарининг турлари	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Тикув машиналари классификацияси.	Берилган саволларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилинади	Н
6.	Тикув машиналарининг асосий ишчи органлари	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Тўғри ва ёйсимон игнанинг баҳя ҳосил бўлиш жараёнидаги ҳолати- нинг схемаси. Моки ёрдамида баҳя ҳосил булиши жараёни схе- маси. Яширин зан- жирсимон баҳя ҳосил бўлиш жараёни схе- маси тасвирланган плакат. Чалиштиргич ёрдамида баҳя ҳосил бўлиши жараёнининг схемаси.	Берилган саволларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилина ди. Тикув ма- шиналари иш- чи органларни вазифаси, тузилиши ва жойлашиши бўйича бир- биридан фарқлай олиш	Н
7.	Тикув машиналарининг асосий механизмлари	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Игна, моки, тортгич, тақсим- лагич, газламани су- риш механизмлари тасвирланган плакат лар. Тикув машиналари .	Берилган саволнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилинади. Механизмларни тузилиши жиҳатидан бир- биридан ажрата олиш	Н
8.	Баҳялар ва баҳякаторлар	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Машинанинг турли - туман баҳялари тасвирланган плакат.	Берилган саволларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилинади	Н
9.	Тикув машиналари-нинг деталлари ва	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Тикув машиналари детал-	Берилган саволларнинг камида 55% га	Н

	уларнинг структуравий тасвири	ларининг ва улар би рикмаларининг струк туравий тасвири.Ха- ракатни ўзгартиради ган механизмлар. Структуравий схема ларни чизиш бўйича кўрсатмалар.	тўғри жавоб бериш талаб қилинади.Ти кув машина- лари деталла рининг кине матик ва конструктив кўринишларини билиш	
10	Машина игналари ва уларнинг турлари	Берилган: Саволлар ёзилган варақа. Йирик завод ва фирмаларда ишлаб чиқариладиган игналар тасвирланган плакатлар.Тиқилади- ган газламаларга му- вофиқ тавсия этила- диган ип ва игна но- мерлари берилган жадвал.	Берилган саволларнинг камида 55% га тўғри жавоб бериш талаб қилинади. Газламага мувофиқ игналарни танлай олиш	Н

1. 3- модул бўйича ўқув соатлар тақсими

Тар. Рак.	Модул номи	Соатлар	
		Назарий	Амалий
1	Тикув машиналарининг ривожланиш тарихи. Жаҳон миқёсида тикувчилик машинасозлиги	2	
	Тикув машиналарининг белгиланиши		
	Тикув машиналарининг сифати ва пухталиги. Эстетика ва эргономика		
2	Тикув машиналарининг турлари	2	
	Тикув машиналарининг асосий ишчи органлари		
3	Тикув машиналарининг асосий механизмлари	2	
4	Тикув машиналарининг деталлари ва уларнинг структуравий тасвири		
5	Машина игналари ва уларнинг турлари.Баҳялар ва баҳякаторлар	2	
ЖАМИ:		10	
Ҳаммаси:		10	

1.4. Ўқув жараёнини ташкил этиш. Модулли ўқитиш методлари, йўналтирувчи матн усули, ва информацион технологиялар ва кўргазмали материаллардан фойдаланилади.

1.5. Баҳолаш тизими. Модулни ўзлаштирилгандан кейин талабалар билими рейтинг тизими асосида назарий ва амалий тестлар ёрдамида баҳоланади.

1.5.1. Ўқув қўлланмалар ва жиҳозлар. Ўқув хонаси, дарслик ва ўқув қўлланмалар, мавзуга боғлиқ ўқув материаллари, моделлар, техник воситалар, асбоб ускуналар

Адабиётлар.

1. Ж. Сейлюс, В. Айбиш. Тикув машиналари алифбоси. Т.- 2002.
2. Олимов Қ.Т. Енгил саноат машиналари ва аппаратлари. Тошкент.- «А. Қодирий».- 2003.
3. Олимов К.Т. Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари.- Тошкент-«Ғ.Ғулом».- 2002